

Oila va jamiyat

№ 18 (1421)
 8-MAY
 2019-yil

Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqqa boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi_bot



MILLIY QAHRAMONGA AYLANIB QOLMAYAPTIMI?

... "Тарбияси оғир бир тўда қизни йиғиб олишдан мақсад нима? Уларни маликага айлантириш ёки феъл-атворидаги қусурларни тўғрилашми? Агар мақсад шу бўлса, бу қизларнинг тарбиясини тузатишга оид ҳеч бир иш бўлмаяпти. Аксинча, экранга термилиб ўтирган бошқа қизларни ҳам заҳарлашяпти".



RAMAZON – SABR, YAXSHILIK VA MURUVVAT OVI



– Рамазон рўзаси кишини сабр билан тарбиялайди. Дастлаб рўза тутган инсон жисмида, руҳиятида нафсга қарши кураш бошланади. Тоқат билан енгилган хоҳиш эвазига рўзадорнинг нафақат зиммасидаги фарзи адо этилади, балки иродаси мустаҳкамланиб, ўз руҳиятига ҳокимлик ғалабасига эришади.

Бу ойни ҳурмат қилиб рўзасини мукаммал тутган мўминлар кўп ютуқларга эга бўладилар. Такрор айтиш мумкинки, Рамазони шариф ойларнинг султонидир, чунки бу ойда Қуръони карим нозил бўлган, унда бир кеча бўлиб, бу кечадаги ибодатлар, яхши савобли ишлар минг ойдан афзал дейилган. Бу ой Қуръон ойи, тақво ва тавба ойи, раҳмат ва шафқат ойи, барака ва савоб ойи, мағфират ва дўзахдан озод бўладиган ой, гуноҳлар ювиладиган ойдир.

Қолаверса, замонавий тиббиёт сўнгги йилларда очлик билан даволаниш усулини кенг йўлга қўйди. Шунга асосан рўза тутиш орқали кўплаб касалликлар даво тоғани исботланди. Қолаверса, рўза айрим дардлар юзага келишига тўсқинлик қилиши таъкидланади. Энг муҳим жиҳати, киши онгининг сокинликка эришганидир. Турли ғаразлар, кин ва ҳасадлардан покланган руҳият барча касалликлардан холи турмуш тарзига йўл очиши, шубҳасиз.

O'Z ONAMNI KESHIRA OLMAYAPMAN

– Онам 7 болани ташлаб, бегона эркак билан кетиб қолганида мен 10 ёшда, кичик укам ёшига ҳам етмаган гўдак эди, – дея ҳикоясини бошлади аёл. – Нима учун она шунча фарзандини отага ташлаб кетди, деган савол ҳаммани бирдек қийнади. Газета-журналларда оиламиз ҳақида мақолалар чоп этилди. Биз жудаям “машҳур” бўлиб кетдик. Айниқса, синфдошларим ўз исми билан эмас, “етим”, “камбағал” деган лақаб билан чақира бошлашди. Бувим бизни оқ ювиб, оқ тараб катта қилди.



PAPILLOVIRUSIGA QARSHI EMLASH SARATONNING OLDINI OLADIMI?



Мантиқан олиб қараганда, раҳбар сайланаётганда сукут қилиш, лоқайд бўлиш эртага ўзимизнинг муаммомизга айланади. Чунки бизни бу ҳолат бир йил аввал қизиқтирмаётганди. Энди раисни излаб қолдик. Ваҳоланки, бу раисни биз ҳам, бизнинг дардимиз ҳам энди қизиқтирмайди. Чунки уни биз сайламаганмиз. Кўнглимиздаги одам эмас у. Сайловга мажбуран йиғилган одамлар сайлаган вакил у.





NAMUNALI HARBIYLAR OILASI

Оила ҳар бир инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган тарбия ўчоғидир. “Қуш уясида кўрганини қилади”, дея ота-боболаримиз бежиз таъкидлашмаган. Оиладаги муҳт, ўзаро муносабатлар ҳар биримизнинг маънавий камолотимизни, жамиятдаги ўрнимизни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво Кучлари қўмондонлигида фаолият юритаётган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ўртасида ўтказиладиган “Намунали ҳарбийлар оиласи” кўрик-танловининг шаҳар bosқичи бўлиб ўтди.

– Ҳозирги кунда оилалардаги келиш-мовчилик ва жанжалларнинг аксарияти оталаримизнинг ўз масъулиятини чин дилдан ҳис қила олмаётганлиги туфайли ҳам келиб чиқмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази. Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Шохид Шомуталова. – Шу боис шартларимиздан бирини “Ота – оила устун” деб номладик. Ушбу шартда оталаримиз ўзларининг оила бошқарувидаги усул-

ларини намоён қилиб, ўз оиласига бўлган эътибори ва меҳрини тўлиқ кўрсатиб бера олишлари керак.

Танловда ХХМ қўшинлари ва ХХҚ қўмондонлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасада хизмат қилаётган, қисм қўмондонлиги томонидан намунали хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчи сифатида эътироф этилган ҳарбий хизматчилар турмуш ўртоқлари билан бирга иштирок этишди. Қизиқarli саҳна кўринишлари, муҳокамалар асосидаги тезкор савол-жавоблар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, оддий аскар Воҳиджон Умаров ҳамда унинг турмуш ўртоғи Моҳичеҳра Умарова ҳакамлар ҳайъати томонидан биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Ҳарбий қисм ва муассасаларда жамиятнинг ажралмас қисми саналадиган замонавий оилани ривожлантириш, оила институтини янада мустаҳкамлаш, умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган мазкур танлов ғолиблари эндиликда республика bosқичида ўз рақиблари билан беллашадилар.

Дилбар ҲУСАНОВА,
ХХМ ва ХХҚ қўмондонлиги
хотин-қизлар ва ҳарбий хизмат-
чиларнинг оила аъзолари билан
ишлаш бўйича бош мутахассиси

OILA MUSTAHKAMLIGI AYOLNING SABRU QANOATIGA BOG'LIQ

15 май – Халқаро оила кuni муносабати билан “Менинг оилам – менинг бахтим” шиори остида “Ёшлар пресс-клуби”нинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессия муҳокамасида “Ибратли оила” танловининг Тошкент шаҳар bosқичи ғолиблари, фан, санъат, маданият, спорт, ишлаб чиқариш соҳасида узоқ йиллик тажрибага эга бўлган намунали оилалар, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбарияти масъул ходимлари, талабалар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.



Ойлик доирасида “Оила” маркази томонидан “Фаровон оила – жамият раванқининг асоси” мавзусида телемарафон, “Фаровон оиланинг бунёдкори бўлайлик!” шиори остида ҳафталик, ҳудудларда “Отам – ишончим, онам – қувончим” иншолар танлови, “Оилам – саодатим” ижодий ишлар танлови, узоқ йиллар бирга умргузаронлик қилган оилалар билан учрашувлар, оилавий китобхонлик, тадбиркорлик, ҳуқуқий саводхонлик борасида анжуманлар, журналистлар ва ижодкорлар ўртасида оила мустаҳкамлигини таъминлайдиган танловлар, оила қадриятларини асраш учун “Аҳил оилалар ташрифи” кuni ташкил этилиши айтиб ўтилди.

“Оила” маркази ва Ёшлар иттифоқи томонидан суратга олинган оила ва фарзанд тарбияси мавзусида намоиш этилган ижтимоий роликлар ҳам кўпчиликлa манзур бўлди.

– Бу йил турмуш қурганимизга 51 йил бўлди, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра

Саъдуллаева. – Бу йиллар ичида бахтли кунлар ҳам, нохуш хотиралар ҳам бўлган. Яшаш, ҳаёт кечириш бу турли кечмишлар дегани. Энг муҳими, оиланинг асосий таянчи бўлган уйғулларга путур етказмасликдир. Оиланинг мустаҳкамлиги кўпроқ аёл кишининг сабру қаноати, тадбиркорлигига bogлиқ. Оиланинг ички gap-сузларини ташқарига чиқармасдан, фақат чиройли мақсад ва орзуларга интилиб яшаган инсонларнинг турмуши тотли бўлади. Бувимнинг “Бахтнинг ўнг қаноти – сабр, сўл қаноти – шукр” деб доимо бизга уқитиб келган сўзлари бутун ҳаётим давомида менга шамчироқ бўлди.

Тадбир давомида бир қанча намунали оилалар ташкилотчилар томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Пресс-клуб якунида меҳмонларга “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан нашрдан чиқарилган “Оила” энциклопедияси тарқатилди.

Ўз мухбиримиз

OLIV SUD RAISINGIN O'RINBOSARI OILAVIY AJRIMLARINING OLDINI OLDI

Олий суд раисининг ўринбосари Х.Ёдгоров Андижон вилоятининг бир қатор ҳудудларида бўлиб, ажрашиш ёқасига келиб қолган оилалар билан учрашди.

Олий суд матбуот хизматининг маълум қилишича, дастлаб, Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ташкил этилган учрашувда нотинч оилалар, ажрим ёқасига келиб қолган эр-хотинлар билан суҳбатлашди, уларни яраштириш чоралари кўрилди.

Натижада унга яқин оила ажрашиш фикридан қайтиб, яраштирилди.

Андижон шаҳар Халқ қабулхонасида ташкил этилган сайёр қабулда Олий суд раиси ўринбосари ва Олий суд судьялари фуқароларни қабул қилиб, уларнинг муурожаатлари тингланди.

Шу кuni Х.Ёдгоров халқ депутат-

лари Пахтабод тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзга чиқиб, туманда оилавий ажримларнинг мавжудлиги, вилоятда никоҳни бекор қилиш билан bogлиқ ишларнинг судларда кўрилиши, оилавий ажримларга сабаб бўлаётган омиллар ҳақида фикр билдирди.

Бу масалаларда суд идоралари, туман ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла, яраштирув комиссиялари фаолиятидаги камчиликлар таҳлил қилинди.

Х.Ёдгоров Бўз тумани ҳокимлигида ташкил этилган тадбирда оилавий ажримлар билан bogлиқ муҳокамаларда ўз муносабатини билдирди. Оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда жамоат ташкилотларининг ўрни ва олданда турган вазифалар ҳусусида тақлифларини билдириб ўтди.

Олий суд раиси ўринбосари Х.Ёдгоровнинг жойларда аҳоли билан учрашувлари давом этмоқда.

uzavuz



O'XSHASH TAQDIRLI INSONLAR

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази "Ахборот коммуникация технологиялари орқали – мустаҳкам оила сари" ўқув курси лойиҳасини амалга таъбиқ этди. Жорий йилнинг 12 март куни Хоразм вилоятида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази бир ҳафталик бепул ўқув курсларига старт берди. Бу лойиҳани амалга оширишдан мақсад оилавий муаммоларга дуч келган оила вакиллари, замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали билими ва дунёкарашини ошириш, ахборот олиш, иш излаш, энг асосийси ўз-ўзига тезкор ёрдам кўрсата олишни ўргатишдан иборат.

РУҲИЙ ДАЛДАГА МУҲТОЖ ЭДИМ

Ҳар бир гуруҳ 15 нафар оила вакилларида шакллантирилади. Ўқув курси охирида иштирокчилар сертификат билан тақдирланади. Машғулотлар Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари Университетининг Урганч филиалида олиб борилмоқда. Шахсан мен бу ўқув курсининг илк қалдирғочларидан бириман. Ўзим оилада учраб турадиган камчиликлар, ишсизлик, руҳий тушкунлик оқибатида курсга кириш сўровномасини тўлдириб қабул қилиндим.

Бир ҳафталик ўқиш мобайнида нафақат компьютер саводхонлигини, балки турмушимиздаги қийинчиликларни муаммо деб эмас, ечиладиган масала эканлигини англаб етдим. Юқори тажрибага эга ўқитувчилар, юксак малакали психологлар берган тавсиялар асосида керакли кўникмаларни ҳосил қилиб ўзимга бўлган ишончни уйғотди. Дунёни гўзал қалб билан ҳис қилиб, кўришга ундади. Ўхшаш тақдирли инсонлар бетакрор олмос "Қўҳинур" номи билан бир оила каби шаклланди. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун фидойилик қилиш, ёрдам бериш, ҳис-туйғуларни намоен бўлди. Айнан биз ёш, нотинч вазиятга тушиб қолган, руҳий мададга муҳтож оила вакилларига кўрсатилган психотренинглар ҳаёт дарси бўлди. Барчамизни яхшилик ва эзгуликлар улашишга сафарбар қилди. Интилиш, изланиш ўз кўлимиздалигини, ўзимизга, яқинларимизга бефарқ



мий-амалий тадқиқот марказида АКТ лойиҳаси координатори сифатида фаолият юритмоқдаман.

Ўқишнинг илк кунидан то ҳозирги кунгача ҳар бир дақиқаси юрагимда муҳрланиб қолмоқда. Негаки, ўқув курсини шу бугунги кунга қадар 40 нафар оила вакиллари тамомлаган бўлса, улар билан ёнма-ён шу муҳит ичидаман. Ваҳоланки, хоҳ аёл, хоҳ эркак киши бўлсин, аввало тушкун пайтда нафақат маслаҳатга, балки руҳий далдага, психолог ёрдамига шунчалар муҳтож бўлади.

Инсон руҳиятига тетиклик, шаффофлик кирсагина у барча қийин

bir oila kabi jipslashdi

бўлмасдан, оилага, жамиятга керакли шахслар бўлишимизга илҳомлантирди.

Ўқув курсларида руҳий зарбалардан чиқиш учун кўрсатилган видео ва аудио материаллар ҳар бир иштирокчига мадад бўлди. Катта умид, ҳолис ният албатта, амалга ошишга шохид бўлдим. Машғулотлар тугагач иш билан таъминландим. Ҳозирда вилоятимизнинг "Оила" ил-

вазиятларни енгиб ўта олади. Шу биринчи ёрдамни психологларимиз тингловчиларга етказиб бера олди.

МУВАФФАҚИЯТЛАР КЕЧИКМАСЛИГИ ЗАРУР

Тақдирларида тўсиқларга учраганига қарамасдан ўзларини қушлар подшоҳи бургутларга қиёслаган йигитлар гуруҳини "Бургутлар" деб номлашди. Оилаларнинг тинчлиги, эркакларнинг ҳаётий тажрибаси касбий ютуқларига боғлиқ. Шундай экан муваффақиятлар кечикмаслиги, ёки кечиккан зафарлар томон олға қадам босиш муҳимлиги уларнинг шioriга айланди. Ҳаётларида яхши тарафга бурилишлар ясаш, фарзандларига ўрнатқуч бўладиган шахслар бўлишга бел боғлаган қизлар гуруҳ номи "Магнолия" деб аташди. Ўзларини рангбаранг гуллар билан ҳамманинг дилини хушнуд қилувчи гўзаллик, нафислик таратувчи дарахтга қиёсладди. Гуруҳнинг биринчи кун танишув қисмида аёл-қизларимиз ички сиру кечинмаларини ўртоқладилар. Иштирокчилардан бири дард, алам,

иноқлик, ўзаро ҳурмат ришталари билан боғлади.

ҚАЙГУЛАР УНУТИЛИБ, ҚУВОНЧЛИ ҲАЁТ БОШЛАНДИ

Таъкидлаб ўтиш кераки, тренинг машғулоти ҳар бир оила вакилининг руҳиятига сингиб ижобий таъсирини ўтказди. Ҳар бир қатнашчига АКТ лойиҳаси ўз-ўзига биринчи ёрдам сифатида етиб борди. "Дардларим, қайғуларим унутилиб қувончли, мазмунли ҳаёт онларимни бошладим. Бу ўқув курси оз фурсат давом этган бўлса-да, менинг тақдиримда муносиб тарзда ўрин олди ва мен яна яшашга ўзимда куч тойдим", деди иштирокчилардан бири чуқур миннатдорчилик изҳори билан. Айни дамгача маълумотлар шуни кўрсатадики, 40 нафар оила вакиллари ўқув курсини тамомлашди. Кўпчилик тингловчилар турмушларида ижобий натижаларга эришилди. 15 нафар курс қатнашчилари ўз-ўзларига ёрдам бериб иш ўринларини топиб, жамиятга ўз хиссаларини қўшмоқда. 14 нафар йигит, аёл-қизларимиз компьютер ўқув курсларини давом эттирмоқдалар. 11 нафар оила вакиллари – ёш оналар фарзанд тарбияси билан шугулланмоқда.

Юртимизда бахтли, тинч-фаровон оилалар сони кўпаяверсин. Ҳеч бир инсон умид учкунлари сўнамасин. Ўзингизга, яқинларингизга муваффақият улашинг.

Мардона ОЧИЛОВА,
"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Хоразм вилоят бошқармаси, "АКТ орқали – мустаҳкам оила сари" лойиҳаси координатори.



қайғуларини шундай кўз ёш билан ифодаладаки, ўз-ўзидан гуруҳ қатнашчилари бир-бирларига чамбарчас боғлиқлик сезган ҳолда изтиробларини яшириб ҳам ўтирмадилар. Шу сониялар уларни бир-бирига умрбод

MUTAXASSISLAR TAJRIBA ALMASHDI

Тошкент вилояти Ўрта чирчик тумани хотин-қизлар кўмитаси томонидан маҳаллаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислари учун "Замонавий ва бахтли оилаларни шакллантиришда мутахассисларнинг ўрни" мавзусида ўқув семинари ташкил этилди.

"Ўрган ва ўргат" шиори остида бўлиб ўтган мазкур семинарда бугун кунда оилаларда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандлар тарбияси, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг ҳамда оилавий но-

тинчликларнинг олдини олиш, ҳаётда учраётган масала ва муаммоларнинг ечимини топишда мутахассисларнинг ўрни ва роли ҳақида сўз борди.

Тумандаги 65 та маҳалла мутахассислари турмушда учраётган муаммоларни саҳна кўринишлари орқали ифодаб беришди. "Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида суиқасдликнинг олдини олиш" мавзусида саҳна кўриниши тайёрлаган 2-сектор ҳудуди мутахассислари 1-ўринни қўлга киритишди.

Тадбирда 2-ўринни эгаллаган 1-сектор ҳудуди мутахассислари бугун жуда кўп учраётган оилавий ажримлар ва уларни келтириб чиқараётган сабаблар ҳақида саҳна кўриниши тайёрлаб, қайнона-келин муносабатлари бузилиши ва оилавий нотинчликлар келиб чиқиши сабабларини чуқур таҳлил

этишди.

"Эрта тугруқ, эрта никоҳларнинг олдини олиш ва тўй ҳашамларни ихчамлаштириш", "Хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш" мавзуларини ёритиб берган 3-4-сектор мутахассисларининг саҳна кўринишлари ҳам тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

– Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизлар билан ишлаш, замонавий ва бахтли оилани шакллантириш, оилалар фаровонлигини ошириш, ёшларни келажакнинг муносиб ворислари этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Раззоқова. – Юртимизда бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ҳаётга таътиқ

этишда маҳаллаларда фаолият юритаётган мутахассисларнинг ҳам ўз ўрни бор. Тадбир тумандаги маҳалла мутахассисларининг хотин-қизлар ва оилалар билан ишлаш борасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Шунингдек, тадбир доирасида ташкил этилган "Китоблар акцияси"да ҳар бир иштирокчи ўзи ўқиган, шахсий кутубхонасида сақланаётган китобларидан намуналарни тақдим этишди. Мазкур китоблар имконияти чекланган оилалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадон фарзандларига, шунингдек, тумандаги 124-мактаб-интернати кутубхонасига совға қилинди.

Раъно МАЛИКОВА,
Ўртачирчик тумани хотин-қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси.

MIGRATSIYANING ER-XOTIN MUNOSABATI VA FARZAND

TARBIYASIGA SALBIY TA'SIRI



Азизахон Пайзиева,
“Оила” илмий-амалий
тадқиқот маркази Гулистон
шаҳар бўлими раҳбари

Мигрантларга аксарият ҳолларда иш шариити, об-ҳаво (иклим), техника хавфсизлиги, турар (яшаш) жой ноқулай бўлганлиги боис, уларнинг соғлигини ҳимоя қилиш кафолати бўлмайди. Айниқса, ноқонуний иш юритувчи мигрантларнинг ҳақ-хукуқи чекланган бўлади. Улар зўравонлик, ҳақорат, таҳқирланиш ҳолларига кўплаб дучор бўлишади.

Аёл мигрантлар муаммоси баъзан қийин, баъзан осон ечим топади. Улар асосан хонадон хизматчиси, савдо дўконлари фарроши, ошхона ва ресторанларда (таом истеъмол қилиш масканларида) идиш-товоқ ювувчи бўлиб ишга жойлашади. Жуда оз фойздаги мигрантлар, тил билган, маълумоти тўғри келадиганлар бўлиб савдо-сотиқ ишларига жалб этилади. Вақт ўтиши билан бундай мигрантларнинг ўзлари мустақил савдо дўконлари ташкил этиб, иқтисодий жиҳатдан оиласини моддий ўнглаб олишади. Нима бўлганда ҳам мусофирчиликда ўзлари учун, яъни жамият ва ўзга мамлакатга мослашиб яшашга, тил ўрганишга мажбур бўлишади. Энг қийини, ноқонуний мигрантларнинг даромад манбаини ўзгартириши бўлиб, маълум вақтга келиб тўхтаб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Чунки иш кўпича мавсумий, фасллар билан боғлиқ бўлиб, баъзида қурилиш, завод, фабрикалар банкротликка учраб, иш фаолияти маълум бир муддатга тўхтаб туриш ҳоллари ҳам мавжуд. Бундай шароитларда ҳайдовчилик гувоҳномасига эга кишилар тақсичи бўлиб ишлаш ҳоллари ҳам кузатилади.

Демак, пул топаман, даромад қиламан деганлар пулсиз қолиб кетиш эки тоғинини тежаб, узоқ йиллар мобайнида мигрант мақомида юриши мумкин. Тегишли шарт-шароитлардан келиб чиқиб, шартли равишда мигрант фаолиятини икки ҳолатда кўрса бўлади.

Биринчи ҳолат – бу ташқи миграциянинг ўсиши оилавий қадриятларнинг сусайишига, бўзилишига олиб келиши, айниқса, фарзанд тарбиясига сезиларли таъсир кўрсатиши ҳисобланади. Табиийки, қаровсиз эки яқин қариндошларнинг қўлида қолган фарзанд ота-она меҳрига зор бўлиб, кўнгли ўқиб, айрим ҳолларда моддий ва маънавий қийинчиликларга дучор

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ўз юртидан камида бир йил ташқарида бўлган инсонларни халқаро мигрант деб ҳисоблайди. Мигрантларда қонуний ва ноқонуний иш юритиш кузатилади. Бироқ мамлакатга қонуний ҳужжатлар билан қайраётган мигрантлардан ташқари, визаси ёки ишлаш учун олган рухсатномаси тугаб, қолиб кетган кишилар ноқонуний мигрантларга айланади. Қонуний бўладими ёки ноқонуний, “мигрант” мақомига эга бўлганларнинг ҳаёти ҳар доим ҳам жуда силлиқ, ўзи кутган даражада бўлмаслиги мумкин.

бўлган ҳолларда яшайди. Бола ўзини ёлғиз ва баъзида камситилган ҳис этади, сиқилади. Бундай ҳолат бола руҳияти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Унда режали ва мақсадли иш юритиш ўрнини ўқишдан совуши, бекорчилик ёки қариндошнинг майда-чуйда рўзгор юмушлари билан андармон бўлиши кабилар бола кайфиятида сезила бошлади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ота-онани соғиниш ҳисси бола улғайгани сари сусайиб боради. Ойлар ва йиллар давомидаги бундай ҳолатларга кўникиши болани “мустақил” фаолият юритишига, ўзи учун қулай муҳит излаб топишига тўғри келади. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш синдроми ташқи муҳит таъсирида орта боради. “Кўча боласи” га айланиб улгурган ўсмирдаги кўнимсизлик ҳамда кўнгилсизлик майда ўғирликлар (пул, телефон, егулик, кийим-бош ва ҳоказо) ҳисобига болани “тарбияси оғир” лар сафидан жой олишига олиб келади. Чунки бундай “ёмон бола” яхши ўқимаган, дарсларни кўп қолдирган ёки мутлақо дарсга бормайдиган, гап қайтармайдиган, қайсар, ваъдасида турмайдиган деган тамғани олади.

Албатта, иммиграцияда юрган ота-онанинг фарзандлари тўлиқ “тарбияси оғир бўлади” деган тушунчага ҳам бормаслиқ керак. Аммо ота-она қандай қилиб болани қариндошлари, ҳатто кам сонда бўлса ҳам “Меҳрибонлик уйлари” да қолдириб кетишлари меҳрли, фарзанд нима, уни қадр-қиммати нима? – деган саволга жавоб бера оладиганларни қийин ахволга солади.

Бундай ҳодисалар авваллари миллий тарбиямизда ҳеч қачон кузатилмаган. “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказида олиб борилаётган изланишларимиз шундай хулосага олиб келадики, 3-7 ва ҳатто 17-18 ёшгача боласи бўлган ота-оналарни ўзга юртларга бориб ишлашига рухсат бермаслиқ, уларни қонун доирасида фарзанд тарбиясида масъул эканликларини билдириш лозим. Ота-оналар ўз навбатида ҳар қандай моддий даромаддан фарзанд тарбияси, уларга меҳр бериш устун эканлигини англаб етмоқлари зарур. Ахир ота-она фарзанд келажагини уйлаб иш тутиши лозим!

Сўнгги йилларда мамлакатимизга инвестицияларнинг кириб келиши,

муносиб иш ўринларининг яратилиши, қолаверса, тадбиркорликка кенг имкониятлар эшигининг очилиши ҳам ташқи миграцияларнинг олдини олишга омил бўла олади.

Иккинчи ҳолат – чет элдан уйига қайтган мигрант ота ёки она илгариги кайфиятда бўла олмаслиги мумкин. Бу:

1) фарзанд тарбиясида муаммо борлигида;
2) уй-жой, рўзгор тутумлари ота ёки онани қониқтирмаслигида;

3) чет элда орттирилган тажриба (кўникма, малака) оилавий аъёналарга тўғри келмаслигида кўринади;
Шундан келиб чиқиб:

1) оила маънавияти ва маданиятини ўзгартиришга (коррекция қилишга) бўлган интилиш;

2) кўпроқ ота хатти ҳаракатларининг ижтимоий ҳаёт меъёrlарига тўғри келмаслиги, ўзга жамиятда ўрганган маданиятни оилага сингдиришга бўлган уринишлар ҳамда ўзига нисбатан хотин ва фарзандларнинг эътирози;

3) баъзи ҳолатларда топган-тутганларини мигрантнинг соғлигини тиклашга сарфлашиши;

4) эр-хотини узоқ яшамаслиги оқибатида оилавий ҳаётда шубҳа пайдо бўлиши ва бошқа қатор омиллар оиланинг барбод бўлишига сабаб бўлади;

Зеро, “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказларини тегишли олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорликда ўтказиб келаётган илмий анжуманлари ҳам кўплаб низо ва ажримларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзаро тажриба алмашган ҳолда мигрант оилалар фаолиятини ўрганиш бўйича Фаргона ва Сирдарё вилояти “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказлари томонидан барча туман ва шаҳарлар кесимида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Мигрант оилалар билан ишлаш, оилалардаги ижтимоий, руҳий муҳитни соғломлаштириш бўйича тегишли суҳбатлар ўтказилиши баробарида, бундай оилада ўсаётган болаларнинг соғлиги, руҳияти, боғча ёки мактабга қатнови, билим ва интизоми ҳақида алоҳида назорат ишлари йўлга қўйилган. Ҳозирда меҳнат миграциясининг оилавий ажралишлар даражасига ва оилада фарзанд тарби-

ясига таъсирини ўрганишга қаратилган илмий изланишлар олиб боришмоқда. Шу билан биргаликда тадқиқотчи Ҳ.Абдукаримов томонидан ишлаб чиқилган “Замонавий оила модели” “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, унинг мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинмоқда.

Оилавий қадриятлар ва аъёналаримизга мос “Чимилдик”, “Суюнчи”, “Келинлар кўзгалони” каби фильмларни томоша қилиш, китобхонликка оид кўрик-танловлар ўтказиш, намунали оилалар тажрибасини семинар-тренинглар кўринишида таҳлил қилиш, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида, айниқса, “ёш келин-куёвлар” га илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, ҳаётини намуна кўринишида муҳокама этилмоқда. Айни пайтда муҳокама натижалари амалда ўз самарасини бермоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда илк бор эксперимент кўринишида Гулистон давлат университети педагогика ва психология кафедраси “педагогика ва психология” йўналишининг битирувчи курс талабаларидан тўққиз нафари вилоят “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказида педагогик амалиётларини ўташди. Талаба-ёшлар оила муаммолари, низо ҳамда ажримларнинг сабаб ва оқибатларини ўрганиш баробарида намунали оилалар фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Амалиётнинг икки куни – ҳафтанинг пайшанба, жума кунлари ФХДЕ органида, шанба куни маҳаллаларда, қолган кунлар умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари билан танишув кўринишида олиб борилди. Ўзларини “оилавий педагог-психолог” сифатида ҳис этган амалиётчилар эгаллаган назарий билимларини оилавий муаммолар ечимига татбиқ этишиб, керакли кўникмаларга эга бўлишди. Оила – ҳаёт мактаби эканлиги, тарбия оиладан бошланишини, оилада насл давомчилари юрт келажаги улғайишини, бу масалада бир сония бўлса-да, бефарқ бўлмаслиқ лозимлигини тушуниб етишди.

Айни пайтда амалиётчи-талабалар оила муаммосини татқиқ этишга қаратилган “битирув-малакавий ишлари” га керакли материаллар олиш имконига ҳам эга бўлишди. Талабалар томонидан никоҳ ажримларининг сабаблари ўрганилганда, аксарият ҳолларда келин-куёвларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги аниқланиб, бунинг учун ёшлар “Келин-куёвлар инновацион мактаби” курсидан ўтишлари мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди. Шу билан биргаликда “Замонавий оила модели” муҳокамаларида фаол иштирок этишиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Талаба-ёшлар оилани муқаддас билган ҳолда, “оилавий низо” ва “ажрим” деган сўзни оилага яқинлаштирмаслиқ лозимлигини алоҳида ўқитишди. Бу борада ўзлари ибрат бўлган ҳолда, оила фаолиятига доир илмий-тадқиқот ишларида фаол бўлиш масъулиятини зиммаларига олишди.

Фикримизча, оилавий қадриятлар ва аъёналарга муносиб ворислар бўлиш учун эр-хотин ўртасидаги ҳурмат, ишонч, диний эътиқод барқарор бўлиши лозим. Ана шунда ноқонуний мигрант оилалар барҳам топиб, фарзанд тарбиясига бўлган масъулият янада ортади.

“ODDIY BIR VARAQA, ULUG’ JANGNOMA...”

yoki askarlarni ruhlantirgan maktublar

“Тор кўчадан сув бўйи бўйлаб аста юриб бормоқдам. Атроф жим-жит, бирон таниш-билишни учратмадим. Уйимга яқинлашган сари тўлқинланаман. “Оллоҳим сафарим ниҳоясига етди, урушдан омон қайтдим-а”, деб нидо қилдим, шукроналар айтдим. Қадрдон маҳалламга кириб борарканман, қувончдан кўзимдан тиркираб ёш чиқди. Мен ҳар сафар падари бузрукворимга, онаизоримга хат йўллаганимда: “Соғлигимни, омонлигимни Яратгандан сўраб дуода бўлиб турунглр”, деб илтижода бўлдим. Балки уларнинг дуолари мени омон сақлагандир. Аммо қанчадан-қанча мен каби ёш йигитларнинг ажал чангалида қолиб кетганини ўйласам, ҳамон юрагим орқага тортиб кетади”, деган эди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Урта Осиев Давлат университет (ҳозирги ЎзМУ) да 25 йилдан ортқ филология ва журналистика факультетлари декани лавозимида хизмат қилган доцент Анвар ака Шомаксудов.

Уша суҳбатимизда раҳматли устозимиз менга “Оловли йиллар” деб номланган китобини тутқазаркан шундай деганди:


“Уруш тугагандан сўнг бир куни Шоакром амаким билан суҳбатлашиб ўтириб ҳисобласак, Сағбон маҳалласининг биргина биз яшайдиган кўчасидан 27 киши фронтдан қайтмабди. Уруш нафақат шаҳарларни вайрон қилиб, одамлар ўлимига сабаб бўлади, балки оилаларни ҳам пароканда қилади.

Маҳалламизда Манноп ака исми ўқитувчи йигит бўларди. Уруш бошлангандан олдин армияга чақирилган. Ярим йил ўтар-ўтмас уруш бошланди-ю, узоқ вақт Манноп акадан дарак бўлмади. Уруш тугаб 3-4 йил ўтгач, Манноп аканинг дараги чиқади. Ярадор бўлиб госпиталга-госпитал юрган Манноп ака ниҳоят оиласи бағрига қушдек учиб келади. Аммо, хонадон соҳиби урушдан қайтганча бутун оила барбод бўлган эди. Касалманд хотини уруш даврининг қийинчиликлари бағрига қушдек беролмай вафот этган, боқувсиз қолган икки нафар фарзандини бола-лар уйига топшириб юборишган, ҳовли-жой беғоналар қўлига ўтиб кетган эди. Оиласиз, бошпанасиз қолган Манноп аканинг илгариги ҳаётга чанқоқлиги, қувноқлигидан асар ҳам қолмади. Тили бироз чуқурроқ Манноп ака, урушдан қайтди-ю, дудуқланиб гапирадиган, кам гап бўлиб қолди: “Бутун бошли оилам пароканда бўлди, сўққабош бўлиб қолдим. Хотирамдан оғир ўтган кунларим, болаларим ҳечам кетмади. Ёмон хотира ёмон ярача ўтшаркан, юрган-турганимда фикран юрагингга ишқаланади, яра ачишади, безовта қилади, азоб беради. Ҳар қандай дарднинг давоси вақт дейишади-ку, аммо ёмон кунлар хотираси тузалмас бир бедаво дард экан”, деганди суҳбатларимизнинг бирида у.

Уруш, кинолардагидек фақат олға силжиш, урра-урра билан қаҳрамонлик кўрсатишдан иборат эмас. Урушни биз кўрдик, халқимиз кўрмасин. Ҳар лаҳзада ажал шарпасини сезиб нафас олишдан оғирроқ азоб йўқ. Ҳар қандай довжарак жангчининг ажал олдида юраги увушади...”

— Ҳа аввало, уруш қанчадан-қанча оилаларни пароканда қилди. Бола-ларни етим, ота-оналарнинг бағрини қон қилди.

Аскарларимизни биргина илинж — оила бағрига эсон-омон қайтиш, ёш йигитлар ёри билан дийдорлашиш умиди уларни доимо руҳлантирган,



ғалабага ундаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ёзилган жангчилар мaktублари ҳам сақланади. Учбурчак мaktублар... Бир томонига манзил, бир томонига кўнгил кечинмалари ёзилган хатлар. Кимлар учундир бу хатлар сўнгги дийдорлашув, эҳтимол, ягона умид, илинж бўлгандир. Ушбу мaktублар вақт ўтиб тарихий ҳужжатга айланишини уни ёзган жангчилар хаёллари ҳам келтирмагандир. Бугун учбурчак мaktублар уруш даври ҳақиқатларини ойнадай равшан кўрсатиб турибди. Беихтиёр уйлaysан: бу мaktубларни ҳамюртларимиз, жангчилар қандай ҳолат, вазиятда ёзишган экан? Уларнинг соғ-омон қайтишига мана шу мaktублар, Ватан соғинчи, яқинлари дийдори сабаб бўлмадимикан?

Ҳамюртимиз, жангчи Мамат Авазовнинг мaktубидаги ушбу изҳорлардан соғинчга йўғрилган даъват, ғалабага ишонч, эртанги кунга умид балқиб турибди: “...Қадрли онажон ва синглим Фотима! Мен ғалаба учун ўз ҳиссамни қўшаётган эканман, бундан бахтлиман. Ишонаманки, сизлар ҳам ғалаба учун курашяпсизлар. Агар биз биргаликда ҳаракат қилсак, дийдор кунларини яқинлаштирамиз. Бизнинг учрашувимизга оз фурсат қолди.

Сентябрь, 1944 йил”.

Дарвоқе, ўша пайтлар ҳамма бирдек тезроқ уруш туғашини астойдил истаган, ният қилган. Уша эзгу ниятларнинг ижобатини қарангки, аскар мaktубидан кейин ярим йилдан кўпроқ вақт ўтиб ғалаба қозонилди. Чунки ғалабага бўлган ишонч жангчиларни ҳам, фронт ортидагиларни ҳам бир зум бўлса-да тарқ этмаган. Ҳамюртларимиз қисқагина ёзилган дил номалари орқали бир-бирлариға ҳамдард бўлишган. Фронт ортидагилар яқинларига: “Сен, албатта, биз учун тирик қайтишинг шарт!”, дея даъват қилган бўлса, жангоҳдагилар яқинларини сабр-бардошли бўлишга қақибди, ғалабага ишончини мустаҳкамлаган. Шундай бўлди ҳам: ўзбек халқи сабр-қаноати ва меҳр-муруввати билан буюк ғалабага ўз ҳиссасини қўшди.

Мaktубларни ўқир эканмиз, ўғлонларнинг лафзи бутунлигига гувоҳ бўламиз. Мана, уруш авж олган 1943 йилнинг августда ёзилган Нўғмон Ғуломовнинг мaktубидан парча:

“Қадрли отажоним, онажоним ва севиқли рафиқам. Қизил армия офицеридан алангали салом. Отажон, мен тез-тез хайрлашган кунимизни эслаб тураман. Ёдингиздами отажон, менга ўзбек аскарларининг мaktублари

чоғ этилган газетани кетар чоғимда қўлимга тутқазаркансиз:.. “Болажоним, сенга топширигим, ўз ишингни виждонан бажар”, дегандингиз. Ушанда мен охириги томчи қоним қолгунча Ватаним, халқим учун курашишга ваъда бергандим. Ўз сўзимнинг устидан чиқдим...”

...Қадрдон отажон, азиз онажон, севиқли рафиқам!

Менга ишонинглр, жонимни қурбон қилиб бўлса-да, Ватан учун жанг қиламан. Душман устидан ғалаба қозониб қайтуғунимча сизлар билан хайрлашаман”.

Бундай хатларни ўқиб беихтиёр кўнглимиз ўсади: ўзбек халқининг чин ўғлонлари шундай ғурури ва лафзи ҳалол бўлмаганида бугун биз истиқлол нашидасини сура олармидик...

Ўзбек аскарларининг мaktублари фронт ортидаги меҳнаткашлар кучига, шижоатига шижоат қўшганини яна бир хатдаги ушбу сатрлар тасдиқлайди:

“4 май, 1943 йил.

Қадрли ҳамюртлар! Жондан азиз яқинларимиз!

Бу мaktубни сизларга ўзбек аскарлари йўлламоқда. Биз ўз бурчимизни ўтаган ҳолда сўзимизнинг устидан чиқмоқдамиз. Афсонавий қаҳрамонларимиз Рустам, Равайнбек, Авазхон, Алломиш бизга доимо куч бағишлаб турибди. Қаҳрамонлар Қўқор Турдиев, Камол Пўлатов, Рўзмағ Усмонов, Сирожиддин Валоев, Зебо Ғаниеваларнинг довораклиги бизга ўрнат бўлмоқда...”

Сиз ўз халқингиз ўғлонлари билан фахрлансангиз арзийди”.

Ҳар қандай вазиятда ҳам жасурлигини намойён қила олган бундай йигитларнинг кўплари уруш қурбони бўлди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам душманга таслим бўлмаган, ҳатто разведкага борганида ҳам бошқаларга ўрнат бўлган мард йигитлар туфайли бугун осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз фаровон. Аммо мaktубларни ўқиганинг сари юрагинг-да урушга нисбатан чексиз нафрат уйғонади.

Қанчадан-қанча йўқотишлару изтироблар эвазига бебаҳо тинчликка эришишда аёлларнинг ҳам хизмати беқимс. Уруш аёллари иши эмас дейиша-

ди, аммо уруш ўз номи билан уруш: ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ичкарасида ҳам, ортида ҳам аёлларимизнинг кўрсатган қаҳрамонликлари, матонати ғалаба онларини яқинлаштирди. 230-ўқчи дивизия командири, подполковник Савин ушбу мaktубида оддий ҳамшира, қўрқмас ўзбек қизи ҳақида ёзган:

“...Сизларга бу хатни ёзишдан мақсадим, старшина Раҳима Алимова учун шахсий миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Ажойиб, бу қаҳрамон ҳамшира қиз жуда кўп йигитларнинг ҳаётини сақлаб қолди.

...У Шимолий Донецк ва Донбассни озод қилишда 1943 йил 18 июлдан 28 июлгача давом этган жангда юз нафарга яқин аскарга тез ёрдам кўрсатди. Баъзиларини жангоҳдан ўзи қутариб олиб чиқди. Разведкачилар билан жангга кирганда ҳатто автомат билан ўн нафар душманин ер тишлатди. Яна бир жангда қўлми-ганда ҳужум қилиб қолган душманин беш нафар аскарини ер тишлатди...”

Мaktубларни ўқийда давом этарканман, жангоҳларда қанчадан-қанча ўзбек ўғлонларининг ғўзал Ватанимиз дийдорига маҳтал бўлганини ҳис қиламан. Бундан жангчи Аҳмаджон Шукуровнинг ҳамюртларга 1943 йил 27 ноябрда ёзган муружаатномасидаги ушбу сатрлар гувоҳлик беради:

“15 ойдики, менинг кўзларим севиқли ўғлимни кўрмади. Мен урушга айни қайноқ пайтида кетдим. Ушанда халқимга сўз бергандим — душман қаерда пайдо бўлмасин, ердими ёки кўкдами уйга фақат ғалаба билан қайтаман. Урушининг биринчи кунлари осон бўлмади. Лекин менга халқимга берган ваъдам мадад берди...”

15 ойдан бери Ватанимдан узоқдам. Оддий жангчи бўлиб урушга кетгандим.

Мана, бугун яна Ўзбекистоннинг соф ҳавосидан қўқсимни тўлдириб нафас оляпман. Салом она Ватаним Ўзбекистон! Салом менинг севиқли халқим! Сенинг ўғлинг бир мuddат сенинг дийдорингга тўйиш учун бағрингга қолди. У сенга берган ваъдасининг устидан чиқди. Душманлар Аҳмаджон Шукуров қўлидан фақат ўлим топади, фақат ўлим...”

Учбурчак, саргайган мaktублар. Уларни қўлга олганингизда уруш ҳидини туюсиз. Аммо жангоҳлардан дарак олиб келган бу хатлар оддий битиклар эмас, тарихий, жуда ноёб ҳужжатлардир. Жангчиларнинг ўй-хаёллари, қалбидан кечган туйғуларни, соғинчларни уларда муҳрланган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, жангоҳлардан қайтмаган ўғлонларнинг дил изҳорлари бугун тинчликнинг улуг’ неъмат эканлигини ҳис қилишимизга, уни кўз қорачигидек асрашимизга ундайди. Уларнинг ёди доимо қалбимизда! Уруш даврида ёзилган дил номалари эса уларнинг жасорати, матонатини ҳамиша ёдимизга солиб туради. Беихтиёр шоир бежизга мaktубни улуг’ жангномага менгзамагани ҳаёлингиздан ўтади...

Ушбу мақола муаллифи, таниқли журналист Барно СУЛТОНОВА “OLTIN QALAM” XIV миллий мукофотининг интернет-журналистика йўналишида 1-ўрин соҳибаси бўлди. “Оила ва жамият” газетаси таҳририяти жамоаси ва муштарийларимиз номидан ҳамкасбимизни ушбу юксак мукофот билан табриклаймиз.



TIL — MILLATNING MA'NAVİY PASPORTI

Ҳозирда дунёда 7,5 млрд. атрофида инсон яшайди ва уларнинг ҳеч бирининг бармоқ изи бошқа бириникига ўхшамайди. Шунча халқ яқин-яқинларгача 7-8 мингта тилда гаплашган. Ҳозир бу рақам 6 мингга қадар тушиб кетди. Буларнинг ҳам 90 % и йўқолиб кетиш арафасида. Чунки ҳар икки ҳафтада битта тил ўлиб борапти, дея хабар беришади олимлар. Дунёда яна шундай тиллар борки, уларда фақат эру хотингина гаплашади. Улардан биттаси ёки иккиси ўлса, тил эгасиз қолади.

Тилининг эгаси орқасидан тилининг ўзи ҳам тарихга айланади. Шу билан бирга, бунинг тамомила тескариси ҳам бўлиши мумкин: эл яшайверади, лекин ўз тилини қўйиб ўзга тилда гаплашади. Бундай ҳолда ҳам тил ўлади. Халқнинг жисми яшайверади, лекин номи ўчади, сўзи ўлади, хотираси унутилади. Чунки ҳар бир халқнинг тили унинг ўзгалардан ажратиб турадиган бош хусусияти, белгиси ҳисобланади. Қизиғи шундаки, инсон аъзоси ҳисобланмиш (огиздаги) тилининг учдаги мулоқот воситаси — тилга аллоқдорлик яшириниб турибди. Бу ҳол менга илоҳий ишорадек туюлди: инсон сифатида сенинг тил учингдаги из аслдир, бошқаларникига ўхшамасдир, бас, у орқали сўзлашадиган тилинг ҳам асл бўлсин, ўзга халқларникидан ажралиб турсин, дегандек жараанглайди.

Демак, бир миллат бор бўлса, унинг албатта ўз тили бўлади. Миллат бор бўлиб, унинг ўз Ватани бўлмасая бу миллат ўз тилида гаплашишни қанда қилмаса, қачондир унга тегишли тупроқ ҳам, ҳудуду герб ҳам, байроқ ҳам бўлади. Бунга тарихда мисоллар кўп. Мабоодо, халқ бор бўлса-ю, у ўз тилида гаплашишни қўйиб, ўзга миллат тилида сўзлаша бошласа, замонлар ўтиб бу миллат тарих саҳнасида супирилиб кетади. Тарих бунга ҳам гувоҳ. Қўринадики, ўз тилига эга бўлмаган ёки сиёсий-тарихий эврилишлар оқибатида тилини бой бериб қўйган элат исмсиз одамдек гап — ким уни нима деб атаса, ўша бўлиб кетаверади. Шу маънода тил бу — ўзлик, тил бу — ўзак, тил бу — исм, тил бу — асос-пойдевор, тил бу — ВАТАН! Йўқса, нега ўзга тилларда сўзлаша-сўзлаша, сўнг ўз она тилингда гаплаша бошлаганингда ўзингни худди олис сафардан Ватанга қайтган бахтиёрдек сезасан, киши! Ҳа, тил бу миллатнинг ботиний қиёфаси, унинг маънавий паспортидир.

Шу маънода 1989 йил, 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши миллатимизнинг қайтадан оёққа туришига тенг тарихий, сиёсий, маънавий ва психологик ҳодиса эди. Бу ҳодиса неча замонлардан бери тилимизни тиклаш, қадрлаш ва ҳаётга қайтариш йўлидаги улкан одимлардан бири бўлиб тарихга кирди. Мустақилликнинг асос шартларидан бири ҳам, шубҳасиз, тил мустақиллигидир. Мазкур тарихий қадам билан биз ўз она тилимизни секин-аста йўқолиб кетиш хавфидан сақлаб қолдик. Аммо кўп ўтмай қаршимизда бошқа бир муаммо пайдо бўлди: дунёни ўргимчак туридек қамраб бораётган глобализм қайфияти бугунги кунда сиёсий-иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлмиш Америка, Хитой ва Россия каби мамлакатларнинг тиллари мавқеини кескин ошириб юборди. Натижада дунё микёсида, айниқса, инглиз ва хитой тилларига қизиқиш жуда кучайиб бормоқда. Хусусан, она Ўзбекистонимизнинг шаҳар ва қишлоқларида жойлашган минглаб

ташкilot, дўкон, дорихоналар биноларининг пештоқларида ўзбекчадан кўра кўпроқ инглизча ёзувларга кўзимиз туша бошлади. Илгари русчалари кўп эди. Тўғри, тил билиш яхши. Тил билиш бу — уйғониш. Ҳатто Ренессанс даврида ҳам одамларнинг камида икки-уч тилини билиши одатий ҳол саналган. Пайғамбаримиз бир тилни билган бир одам, икки тилни билган икки одам, дея ўғит берган эканлар. Лекин ўзга тилни билиш ўз она тилингни унутиш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Ақс ҳолда, ўзликини бой бериб қўйиш мумкин. Турланиб бораётган дунёнинг авзойини кузатиб юриб кундалигимга қуйидаги мулоҳазаларни ёзиб қўйган эканман, мавзуга доир бўлганлиги боисидан айнан келтираман: “Чор атрофда катта қучлар (хитой, ин-



глиз ва рус) ўзларининг иқтисоди, мафкураси, маданияти ва тили билан дунёга тобора кучлироқ таъсир ўтказмоқда. Уларнинг таъсир доирасида қўлиб кетмаслиқ учун биз нафақат ўзимизни қўришимиз, балки қаддимизни тиклашимиз, кучга тўлишимиз лозим бўлади. Сақланиши ва оёққа қўйилиши зарур бўлган ўзак қадриятларимиздан бири бу — тилимиз! Тилни сақлаш учун эса бугун ҳамма Навоий бўлиши шарт! Албатта, гап унинг даҳосига тенглашиш ҳақида эмас, балки туркий тилга — она тилимизга муносабат борасида унинг сафидан жой олишимиз ҳақида бормоқда. Бугун ҳар бир ўзбек онгли равишда бориб, Навоийнинг ёнига турмаса, унинг позициясидан туриб тилимизга ёндашмаса, бир-икки асрдан сўнг юқорида зикр этилган катта халқларнинг тилида сайрай бошламаслигимизга ҳеч ким қафолат беролмайди. Тилни, демакки, ўзликини сақлашнинг бугунги йўли битта — Навоий бўлмоқ, тамом-вассалом!”

Ҳазрат Навоийга эргashiш учун эса, аввало, ўз она тилимизни севишимиз керак бўлади. Ўз она тилимизни қандай севамиш, муҳаббатимизни қай йўсин изҳор қиламиш? Тилимизни қандай юксалтириш, улуғлаш ва дунёга ёйиш

мумкин? Бунинг энг содда ва энг таъсирчан йўли — она тилимизда гаплашиш, гаплашиш ва яна гаплашишдир! Она тилни туққан онани севгандек севиш билан, она тилда сўзлаш, эшитиш ва ёзиш билан унга хизмат қилиш мумкин. Кимники тили қайси тилда чиқса, у ўша миллатга мансуб бўлади. Танининг оқ ё қора бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Унинг кимлигини тил ҳал қилади. Чунки тил орқали миллатнинг руҳи кириб боради. Сен ўз она тилингни биласанми, демак, халқингни биласан. Аммо бугун замонлар ўзгарди. Бугун биз интернет даврида яшаймиз. Демак, она тилимизнинг қўлланилишини замонанинг талаб-ларига ҳамқадам олиб боришимиз, чунончи, ўзбек тилида интернетдан тўлиқ фойдаланиш имконларини (бу соҳа билан боғлиқ барча дастурларни), айни пайтда, дунёнинг жамики фаол тилларидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан эса ана ўша фаол тилларга таржима қиладиган электрон тизимларни, лўғатларни имкон қадар тезлик билан яратишимиз керак бўлади. Шунингдек, ҳамма соҳалардаги аҳамиятга молик асарларни ўзбекча таржималарига эга бўлишимиз шарт. Йўқса, ёшларимиз онги ва қалбини бой бериб қўйишимиз ҳеч гапмас. Чунки ёшлар ҳаётга реал қарайди. Уларни қуруқ ваъдалар билан “олиб ўтириб” бўлмайди. Уларга ҳаётлари давомида асқотадиган реал тақлифлар бериш керак. Чунончи, “Болам, миллатингни ҳурмат қилсанг, она тилингда гапир, халқингнинг соғлом урф одатларини, ўтмишини унутма!” десангиз бу ёқда ўзбек тилида гапириш, ёзиш келажак билан ҳамбарчас боғлиб кетмаганлиги маълум бўлиб турса, ҳамма насихатлар сувга оқди, деяверинг. Айниқса, рус, инглиз ёки хитой тилини ўрганиш, гапириш ва ёзиш унга реал моддий-маънавий фойдалар олиб келиб турса, бугунги ўғил-қизларимизнинг катта бир қисми учун ўз она тилимиз ҳақидаги гапларимиз ҳаётдан узилган эртаклардек эшитилиши турган гап. Бас, шундай экан, тилимизнинг аввало, ўз юртимиздаги мавқеини ошириш учун қатъий ва аниқ чора тадбирлар олишимиз шарт. Биринчидан, юртимизда фаоллият олиб бораётган ҳамма ташкilotлар давлат тили бўлмиш ўзбек тилида иш юритсин. Иккинчидан, ишга қираётган ҳар қандай ходим ўзбек тилида саводли гапириш ва ёзиш малакасига эга бўлсин. (Бунинг ҳам даражалари бўлсин, албатта. Чунки ўзга миллат вакили учун бирданига тил билимининг юксак даражасини талаб қилиш тўғри бўлмас).

Бундан 10 йиллар бурун дала ҳовлимининг эшик-ромилини алмаштирдим ва “Паркент” бозорига тушиб, сувоқ учун уста гаплашиб келдим. Хакасиялик экан. Иسمى — Володя. “Нега бундай?” десам, бизда ёшларнинг аксари шундай, деди. “Хакас тилини биласанми?” деб сўрадим. “Тушунаман, холос” деб жавоб берди. Тил ҳақида ҳадеб сўрайверганимдан кейин қуйидагиларни

Она тилни туққан онани севгандек севиш билан, она тилда сўзлаш, эшитиш ва ёзиш билан унга хизмат қилиш мумкин. Кимники тили қайси тилда чиқса, у ўша миллатга мансуб бўлади. Танининг оқ ё қора бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Унинг кимлигини тил ҳал қилади. Чунки тил орқали миллатнинг руҳи кириб боради.



Улугбек ХАМДАМ,
ёзувчи.

билиб олдим: Хакасияда кексалар удумни, тилни, миллатни сақлаб қолишга ҳаракат қилишади. Яъни, хакас йигит хакас қизига уйлансин ва ўз юртида яшасин, дейишади. Ёшларга шунчи маслаҳат беришади, керак бўлганда, қаттиқ туриб талаб қилишади. Лекин бунинг уddасидан чиқиша олмайди. Чунки цивилизациянинг қудратли бўронлари ёшларни ўз измида чирпирак қилиб айлантириб юборган. Ёшлар рус тилида гаплашади, уларнинг исмлари русча (нега тилни, миллатни сақлаб қолишга уринаётган катталар бундай исм қўйишади?...), европача, удумлари ҳам шунга яраша. Хакасияда ёшлар кам. Кексалар бирин-сирин ҳаётдан кўз юмар экан, овуллар хувиллаб бораепти. Катта авлод ўзлари билан бирга хакас элининг тилини, урф-одатларини, бутун борлигини олиб кетишяпти. Издош йўқ, ҳисоби. Мана, тирик ўртак — Володя! Уни ҳам ота-онаси ёнларида олиб қолиш ва хакас қизига уйлантириш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилишибди. Лекин натижа шуки, Володя Тошкентга қочиб келиб, ўзбек қизига уйлانган, шу ерда муқим яшаб қолган. Икки фарзанди бор. Уларнинг исмлари ҳам русча. Уйда рус тилида гаплашишади. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммаси туркий, томирларида туркийларнинг қони оқади...

Биласизми, мана шу хакас йигитининг қисмати — хакас элининг қисмати, бугундир. Агар, ўз тилимизга маҳкам бўлмасак, мана шу “қисмат”, мана шу “бугун” эртага бизнинг ҳам қисматимизга, бугунимизга, Темурлар Володяларга айланиши мумкин. Агар ўзимизга маҳкам бўлмасак, секин-аста миллатга тегишли бошқа қиёфалар ҳам қўлдан кетади... Бундан эса, Яратгanning Ўзи асрасин!

Ўзбек — истеъдодли халқ. У ўз артикуляцион базасининг бақувватлиги тугайли ўзга тилларда ўша тил вакили қадар соф талаффуз билан гаплашиши, бу тил қонун-қоидаларини мукамал ўзлаштириб олиши мумкин. Чунончи, араб тили грамматикасини Замахшарий каби боболаримиз ишлаб чиққан беҳиз эмас. Аммо мана шу истеъдоднинг бир қисmini ўз она тилимизнинг юртимизда ва дунёда кенг ёйилишига сарфлай билсак, элимиз ва Ватанимиз олдидаги энг катта хизматлардан бирини ўтаган бўламиш. Модомики, тил миллатнинг томирида ҳаёт қони оқаётганидан дарак берувчи бирламчи белги экан, демак, она тилига хизмат қилган инсон она Ватанга хизмат қилган қаҳрамон бўлиб чиқади.

“ZIRAPCHA” MILLIY QAHRAMONGA AYLANIB QOLMAYARTIMI?



... “Танганинг иккинчи томони ҳақида гапирмоқчиман: Биринчиси, бу аёлларнинг шу қиёфага келишларини ибрат сифатида кўрсатиш омма эътиборини кучайтириши; Иккинчиси, бу телелойиха орқали яна бир қанча ёшларнинг ахлоқига путур етиши мумкин. Чунки тақлид қилувчилар сони ҳам топилади.”

... “Тарбияси огир бир тўда қизни йиғиб олишдан мақсад нима? Уларни маликага айлантириш ёки феъл-атворидаги қусурларни тўғрилашми? Агар мақсад шу бўлса, бу қизларнинг тарбиясини тузатишга оид ҳеч бир иш бўлмаяпти. Аксинча, экранга термилб ўтирган бошқа қизларни ҳам заҳарлашяпти.”

... “Лекин шундай ақлли гап ҳам бор: Тарбияни фақат донодан эмас, нодондан ҳам ўрганиш мумкин.”

Маълумот ўрнида: Юқоридаги фикрлар ижтимоий тармоқларда “Zirapcha” реалити шоуси ҳақида одамларнинг фикр-мулоҳазаларидан олинди.

“Sevimli” телеканалда эфирга узатилаётган “Zirapcha” реалити-шоуси — бугунги кунда кўпчиликнинг диққатини тортган кўрсатувлардан бирига айланди. “Sevimli” каналига томошабин қақариш, эътиборини тортиш мақсадига кўпроқ ушбу кўрсатув орқали эришди, десак хато бўлмайди. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бугун кўрсатув иштирокчисига айланган “тарбияси огир” қизларнинг хулқ аъвори, характери, яшаш тарзига муҳлислар орасида тақлид қилаётган, уларга ўхшашга интилаётганлар ҳам афсуски учрайпти. Бу эса “Zirapcha” миллий қаҳрамонга айланб қолмаяптими?” деган саволга туртки бўлаётир. Бу ҳақда кўрсатув ижодкорларининг ўзлари қандай фикрда экани билан қизиқдик.

ОТА-ОНА РОЛИНИ БАЖАРДИК
Жамила ШЕРМУХАММЕДОВА
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўрсатувлари эксперти, лойиҳа маслаҳатчиси, файласуф, политолог олима:

— “Zirapcha” миллий қаҳрамонга айланма-яптими, деган сўзни мен бошқача талқин қилган бўлардим. Чунки бу кўрсатув керакли, ҳаётӣ, оммавий, тарбиявий шоу деган фикрдаман.

15 нафар иштирокчининг ҳаётга нисбатан ўта ишончсизлик билан қарашига замин яратиб берган ким? Булар биз — ота-оналар. Улардаги иллатлар айнан ота-оналарнинг таъсири натижасида шаклланган. Биз кўпинча: “Андишанинг оти кўроқ”, ёки “Ойни этак билан ёпиб бўлмайди”, деган мақолларга амал қилиб яшаймиз. Шу сабаб муаммоларни вақтида ечишга интильмаймиз. Бу қизларнинг оиласидаги келишмовчиликлар натижасида рўбига чиққан хунук ҳолатлар йиллар давомида беркитилган. Баъзи оилалардаги ота-оналарнинг биринчи ўринда ўзларининг талаблари, эҳтиёжларини устун қўйишлари натижасида қизларимиз кўчада — оиладан ташқарида қолиб кетган.

Кўрсатув давомида қизларнинг 4-5 ёшида ҳаётда содир бўлган воқеалар билан қизиқдим. Аксарияти ёшлиқни эслолмади. Ахир болада ёшлик қувончи, эсда қоладиган хотиралари бўлади. Уларда эса бундай эсдаликлар йўқ. Ҳаттоки хурсандчилик кунлари ҳам бўлмаган. Қизлар мактаб, касб-хунар коллежи, академик лицейларни аъло баҳоларга битирган. Аммо интилишлари, орзу-мақсадлари билан ҳеч ким қизиқмаган. “Zirapcha” мактабда уларнинг ичидagi барча заҳар-зақумни чиқариб ташлаш учун 18 та предмет ўргатилди. Булар диншунослик, дизайн, овқатланиш, меҳмон кутиш, музейга, театрга бориш одоби,

кечириш маданияти ва ҳоказолар. Қизлар учун бунақа имконият оилада йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу мактаб орқали биз қизларни ўзгартириш учун замин яратдик. Уларга меҳр, эътибор бермаган ота-оналари ролини бажардик. Агар бундан кейин ҳам ота-оналар ўз вазифасини бажармаса “Zirapcha”га ўхшаган кўрсатувлар лаббай деб ёрдамга келишга тайёр.

БИЗ АЙБДОР КИДИРМАЙМИЗ!...

Шоира ИСАҚОВА, психолог:

— “Zirapcha” миллий қаҳрамонга айланиб қолмайди. Чунки бизнинг халқимиз ҳар битта кўрсатувдан ўзига тегишли хулоса чиқаради. Кўрсатувнинг асосий мақсади — жамиятимизда салбий иллатли оилалар бўлмаслигига ҳаракат қилиш, айниқса, қизларнинг оилада ўз ўрнига эга бўлишини таъминлашдан иборат. Лойиҳа давомида: “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил”, деган мақол орқали долзарб муаммолар кўтарилди. Ва бу муаммолар ўз навбатида ечим ҳам топди. Чунки қизларимиз ҳаётда ўзининг ўрнини топишга, келажакка ижобий кўз би-

лан қарашга, яхши ниятлар билан ҳаракат қилишга ўрганишди. Яна бир жиҳати, жамоатчилик ичида яшашга ўрганишди, бир-бири билан оқибатли, дўст, дугона бўлишга одатланишди.

“Zirapcha” жуда кўп хонадонларга кириб борди. Айрим инсонлар ўзидаги нуқсонларни бартараф этди, ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга ҳаракат қилишди. Баъзи томошабинлар эса лойиҳани шунчаки томоша қилиб, ундан камчилик кидиришди. Биз айбдор изламаймиз. Айб мана шу муаммоларни ўз вақтида ечмаган ва бартараф эта олмаган инсонларда.

Биз қизларга билим бердик, одоб-ахлоқ ўргатдик. Меҳнатларимиз самараси ўлароқ улар ҳаётларини тўғри йўлга қўйишларини тушуниб етишди, имкониятлардан тўғри фойдаланиб узатилган қўлларни қайтармасдан маҳкам ёпишиб чуқурдан чиқишга интильгани бизнинг энг катта ютуғимиз.

Бу лойиҳа ижодкорларининг фикрлари. Сизнинг фикрингиз бошқача бўлиши мумкин. Зеро, ҳақиқат қарама-қаршиликларда юзага чиқади, дейишди. Шундай бўлса, ёзинг, кўнгирак қилинг, фикрлашамиз.

Нигора РАҲМОНОВА

NEGA BIZ SHUNAQAMIZ?

— Гапирма шу маҳалла раисини, ёнига қариндошларини йиғиб олган.

— Ёрдам пулини фақат “ўзининг одамлари”га чиқаради.

— Мана, ваколати тугаяпти, нима қилиб берди? Битта кўчани таъмирлатиб ҳам беролмади-ку!

Бунга ўхшаш гаплар қўлогингизга чалинган чиқар.

Бугун соат 11:00 да маҳаллада раис сайланиши керак эди. Сайланмади. Сабаб — овоз бериши лозим бўлган фуқароларнинг тўртдан бири ҳам сайловга келмади.

Бу вазият камида иккита тахминни юзага чиқаради:

Биринчидан, сайловни ташкил қилишда сусткашликка борилган. Одамлар эшитмаган, сайловдан хабардор қилинмаган.

Иккинчидан, фуқаролар бу жараёнга жиддий қарамайди, маҳалла раисининг ким бўлиши уларни қизиқтирмайди.

Биринчи шубҳанинг охирига етиш муаммо эмас. Чунки, ишчи гуруҳ сайлов кўни, вақти аниқ қилиб белгиланган ТАКЛИФНОМАНИ рўйхатга олинган вакилларга етказиб берар экан, имзо қўйдириб олади. Демак, бундай ташкилий иш, РАСМИЯТЧИЛИК ишчи гуруҳнинг энг эҳтиёт бўладиган томони. Сабаби, сайловга етарлича одам йиғилмас экан, қонунчиликка кўра ўтмаган ҳисобланади. Бундан ишчи гуруҳ ва унинг раиси ҳеч қандай манфаатдор эмас. Ўзини ўзи сарсон қилиш, муаммо юзага келтириш уларга керак эмас.

Демак, аччиқ бўлса-да, ИККИНЧИ ТАХМИННИ

тан олишга мажбурмиз. Яъни, одамларимизга маҳалла раиси ким бўлишининг аҳамияти йўқ. Бунга амин бўлдик. Таклифнома жўнатилган бўлишига қарамай, қарийб икки соат давомида хонадонларга сайлов ўтказилаётгани ҳақида хабар юбориб турилди. Шундай бўлса-да, етарлича одам йиғилмади.

Энди бир йилдан кейинги ҳолатини тасаввур қилиб кўрайлик. Ушанда мақолаимиз аввалидаги луқмалар тилга кўча бошлайди: бу раисни ким сайлаган, нима қилиб берди, менинг набирамга ёрдам пули чиқармади, “қайтиб келган” қизимни уй-жой учун рўйхатга киритмади ва ҳоказо...

Мантқан олиб қараганда, раҳбар сайланаётганда сукут қилиш, лоқайд бўлиш эртага ўзимизнинг муаммоимизга айланади. Чунки бизни бу ҳолат бир йил аввал қизиқтирмаётганди. Энди раисни излаб қолдик. Ваҳоланки, бу раисни биз ҳам, бизнинг дардимиз ҳам энди қизиқтирмайди. Чунки уни биз сайламаганмиз. Кўнглимиздаги одам эмас у. Сайловга мажбуран йиғилган одамлар сайлаган вакил у.

Хўш, яна кимга жабр? Ўзимизга!

Масаланинг бошқа бир қизиқ томони, биз мисол келтираётган маҳалла раиси сайловига келган вакилларнинг деярли ҳаммаси ёши улуг одамлар, мактаб ўқитувчилари. Нега? Эмишчи, УЛАР БЕКОР-ЧИ... Қолганлар ишли одамлар. Ваҳоланки, кўчада ҳақиқий бекорчиларни ҳам кўрдик. Нима қилишини билмай ўтирибди.

Боринги, сайлов нега дам олиш кўни ўтказилмади?

Қизиқ, нега тўйни, гап-гаштакни, маишатни дам олиш кўнига тўғриламаймиз? Бундай тадбирларга вақт топилади, баҳонага ўрин қолмайди. Қолаверса, давлат ишида ишлаётган бўлса-да, йиғилганлар орасида ўнга қян одамни учратдик. “Маҳалламда сайлов бўляпти, бир-икки соатга ишга кечикиб бораман”, деб асос кўрсатган одамлар билан суҳбатлашдик.

Яқинда дунёнинг нариги томонида сайловга бўлган муносабат акс эттирилган видеоролик тарқалди. Ундан англашмишдик, биз сайламаган одам — биз ёқтирмаган таом, бизга ярашмайдиган кийим!

Гапи келганда, маҳалла тизими-ни дунёда ўхшаши йўқ ташаббус сифатида баҳолаймиз. Ҳақиқатан ҳам тизим фаолиятини мувофиқлаштирувчи қарор ва қонунларимиз кўпайди. Биринчи марта маҳалла раисини яширин овоз бериш орқали сайлай бошладик. “Бетинг-кўзинг” демасликка, яхши яшашимиз учун ҳисса қўша оладиган одамни танлаш имкониятига эга бўляпмиз. Аммо амалда эскича шууримиз, онгимиз билан муносабат билдирыпмиз.

Дунёни ўзгартиришни ўзингдан бошла, дейди улуглар. Хуллас, энди биз сайлаган Президент, депутат ёки маҳалла раиси учун бировдан ўпкаламайлик. Чунки бизнинг сайламаганимиз — сайлаганимиз!.. Сукут — ризолик аломати.

Исомиддин ПЎЛАТОВ

АВВАЛ КУЛДИМ, КЕЙИН КУЙДИМ

Бугун юксак тафаккур ва техника замонида яшяпмиз. Ўзгаришлар, янгиликлар силсиласи марказида электрон ахборот тарқатиш воситаси — интернет турибди. Глобаллашув жараёнининг таъсири кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. Айни пайтда ораимизда бирор интернет сайтлари профили ёки шахсий электрон почтаси мавжуд бўлмаган кишилар жуда кам. Бу ўзгаришлар инсон камолоти, унинг манфаати, бахту саодати йўлида хизмат қилаётгани кувонарли. Аммо ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий, салбий томонлари бўлганидек, айрим ҳолларда бунинг акси бўлаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

— Бундан чамаси беш-олти ой илгари ҳамкасбларимдан бири электрон почта очиб беришимни илтимос қилди, — дейди информатика ўқитувчиси Маъфура Соатова. — Ўғли хорижий давлатда тахсил олаётганини билганим учун, фарзандини соғинганда ҳол-аҳвол сўрашиб туради, дея, раъйини қайтармадим. Яқинда у ҳайратланиб гапириб қолди: “Ўғлим билан икки оғиз гаплашдим. Орадан ҳеч фурсат ўтмай, почтамага хат келибди. Аввалига ҳайрон бўлдим. Кейин ўқидим: “Исмин Сарвиноз, ёшим 21да, талабамам. Келинг дўстлашайлик”, — деб ёзибди. “Келиб-келиб отанг тенги эркак билан дўстлашасанми?” Аввалига кулдим, кейин куйдим. Демак, “Интернетда танишибди”, деган турли кулоқ қокди гаплар, миш-мишлар бежиз эмас эканда, — дейди ҳамкасбим.

“ПРОФИЛ”ГА ИШҚИБОЗЛИК
МАСЪУЛИЯТДАН
ЧАЛҒИТАДИ...МИ?

Бугун “Whatsapp”, “Facebook.com” сингари ижтимоий сайтлар одамлар орасида оммалашиб, кўпчиликини ўзига оҳанрабодек тортмоқда. Айниқса, “замонавий”ликни ўзича тушунадиган Сарвиноз сингари айрим ёшлар бирор тахаллус билан профил очишга ишқибоз.

— Ижтимоий тармоқларга боғланиб қолаётганларнинг аксарияти юзма-юз мулоқотда ўз фикрларини истаганларидек баён эта олмайди, — дейди психология фанлари номзоди, доцент Одина Отажонова. — Энг ташвишлиси, таниган, танимаган одамлар билан турли сайтларда мулоқот қилиш, аввалига уларга шунчаки вақт ўтказиш учун қилинган оддий ишқибозликдай туюлади. Сўнг бундай мулоқотлар улар учун руҳий эҳтиёжга айланади. Яъни, ким биландир гаплашмаса, тура олмайди. Бундай кайфият уларни ўқиш ёки иш билан боғлиқ масъулиятдан чалғитади. Ачинарлиси, турли сайтларга боғланиб қолиш шунчаки шахс доирасида қолиб кетмайди, оилаларга ўрмалаб қиради.

— Бир кун тушликда ҳамкасбим овқатланиш баробарида телефони-дан кўзини узмай алланималарни ўқиб, интернетда оилали, икки фар-

Савол: Кейинги пайтларда қонни суюлтириш учун даярли ҳар қуни аспирин қабул қилишга одатланиб қолдим. Бу дорини мунтазам равишда ичиш соғлиқ учун хавф туғдирмайдими?

Соҳиба АБДУШУКУРОВА,
Тошкент шаҳри.


**Роза ШАРИПОВА,
Олий тоифали шифокор:**

— Аспирин-ялғизланишга, шунингдек, иссиқни туширувчи, оғриқ қолдирувчи дори воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари, қон ивишининг олдини олиш хусусиятига ҳам эга. Шу сабабли, кўпинча биз юрак-қон томир касалликлари билан оғриган бемор-

Кўпқаватли уйларнинг ҳовлисидаги майдончада болакайлар яйраб ўйнашяпти. Бундан “унумли” фойдаланган икки ёш она кўлидаги телефоннинг имкониятлари ҳақида сўзлайди...
Блутс, интернет, “Whatsapp”, “Facebook.com”, СМС, ММС, фотодизайн, ўйинлар ва бошқалар...

Кўшни келинларга ҳавасим келди. Уй-рўзгор юмушларидан, болаларидан ортиб, замонавий технологияларни ўзлаштиришяпти ахир...

IMKONIYATLAR

ILLATGA
AYLANMASIN...

занди бор бир аёл билан гаплашиб туришини, энди уни учрашувга таклиф қилмоқчи эканлигини айтиб қолди. — дейди Дилшод исмли бир йигит (исми ўзгартирилди). — Мен электрон сайтларга умуман қизиқмайман. Аммо кейинги вақтларда аёлим Лоланинг ҳам бўш қолди дегунча кўлидан телефони тушмапти. “Уни бир текшириб кўришим керак...” деган шубҳа уйғонди кўнглимда.

МЕНИНГ ПРОФИЛИМДА
БОШҚАСИ МУЛОҚОТДА

— Яқинда ўртоғим уйга важохат билан кириб келиб: “Мен сенга ишонардим. Жуда ичингдан пишган экансан, — деб қолди. Айбим нима эканлигини билолмай ҳайрон эдим. Кейин билсам, турмуш ўртоғимнинг бир дўсти: “Мана, аёлингнинг расми, интернетда профили бор экан”, деган экан. Айбдор эмаслигимни исботлай олмай турганимда жияним меҳмонга келиб қолди. Балки, бу қил устида турган оиламни сақлаб қолиш учун тақдирнинг менга бир инотириди. Унга вазиятни тушунтирдим. Шу заҳоти интернет кафеда сўнгги икки ойдаги мулоқотлар рўйхатини чиқариб келди. Ишонасизми, айнан шу соатда

менинг номимга очилган профилда кимдир мулоқот қиларди. Барча воқеани ўз кўзи билан кўриб, гувоҳ бўлган турмуш ўртоғим ноҳақлигини тушунди...

АЖРИМЛАРГА
ШУБҲА, ГУМОНЛАР ҲАМ
САБАБ БЎЛМОҚДА

Афсуски, бугун ана шундай воқеалар сабаб ҳаёти остин-устин бўлиб кетаётган оилалар йўқ эмас. Айниқса, турли сайтлар орқали қилаётган зарарли ташвиқотлари воситасида ёшларимизни тўғри йўлдан адаштириб, боши берк кўчаларга олиб қираётганлар ҳам борлиги ачинарли ҳолдир.

— Ҳар гал юз-кўзларидида ҳаяжон балқиб, расман оила қуриш ниятида келган ёш келин-куёвларнинг хурсандлигига шерик бўлиб қувонсак, оилавий ажримларга гувоҳ бўлганда, дилимиз оғрийди, — дейди Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани ФХД бўлими мудираси, халқ депутатлари Яшнобод туман кенгаши депутати Зулайхо Камолхўжаева. — Айрим оилавий аж-

римларга эр ёки хотиннинг турли сайтларга боғланиб қолиши орқали улар онгини заҳарлаётган шубҳа, гумонлар сабаб бўлмоқда...

Кимгадир олисдаги қариндоши билан боғланиш, яна кимнингдир тафаккур даражасини оширишда қўл келаётган мазкур сайтларда бугун айрим “уддабурон ташкилотчилар”нинг “ташаббус”лари билан турли беҳаё лавҳалар, бепарда сўзлар ҳам “уя” қурмоқда.

ТААССУФ

Бугун инсон кўли билан яратилган техника имконияти туфайли содир бўлган воқеа-ҳодиса ҳақидаги ахбо-

рот, турли фото, видеотасвирлар зумда интернетдан жой олади ва бутун дунё бундан хабар топади. Бунга қарангки,

кўп ўтмай айнан шу ахборотларнинг “сара”лари мобил телефонларда пайдо бўлади. Ваҳоланки, бугун кўча-кўйда, интернет кафеда телефонларга мусиқа, клип, ўйин ва бошқа тасвирларни ёзиб берувчи “тадбиркор”лар ҳам оз эмас. Фарзандларига хотирасига жуда кўп маълумотларни сиғдира оладиган энг сўнгги русумдаги телефонларни олиб бераётган ота-оналар уларга, интернетдан мақсадли фойдаланишини ўргатсалар яхши бўларди.

Маънавияти юксак, орзу-ҳавасларини ақл билан бошқарадиган инсон энгил-елли ҳою-ҳавасларга берилмайди, ҳар бир нарсда меъёр бўлиши кераклигини яхши англайди. Шундагина имкониятлар зарарли иллатга айланмай, инсоният бахту саодати йўлида хизмат қилади.

Гүлноза ТУРҒУНБОВА

ASPIRIN XAVFLIMI?



ларга ушбу дори воситасини тавсия қиламиз.

Аммо ҳозирги кунда соғлом одамлар ўртасида ҳам аспиринни мунтазам равишда истеъмол қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Уни шифокор маслаҳатсиз доимий равишда қабул қилиш ошқозон яраси, қон кетиш, кичик ва катта ичак шиллиқ қаватининг перфорацияси, ўткир қолит, сурункали ичак касалликларини келтириб чиқариши мумкин. Аспиринни ҳамиша қабул қилиб юрадиган беморлар қони текширилганда, уларнинг фақатгина 50 фоизидида қон қуюқлашининг

Salomatlik

пасайиши кузатилган. 30 фоиз беморларга эса таъсир қилмаган, 20 фоизига акс таъсир кўрсатган, яъни, қон қуюқлашининг инсульт даражасигача оширган. Биз аспиринни фақатгина лаборатория томонидан тасдиқланган юқори қон қуюқлашиш ҳолати аниқланган беморларгагина тавсия қиламиз. Ҳомиладор аёлларга ушбу дори воситасини қабул қилиш мутлақо мумкин эмас. Чунки ҳомила нотўғри ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Мадина
АЛЛАБЕРГАНОВА
тайёрлади

TRASTBANK: OILAVIY TADBIRKORGA MADADKOR

Маълумки, Президенти-мизнинг 2018 йил 7 июндаги “Хар бир оила – тadbirkор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш тартиби белгиланган.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг Жиззах филиали томонидан ҳам мазкур дастур ижросини таъминлаш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Қарор ижроси, қолаверса, аҳолини тadbirkорликка кенг жалб қилиш борасида Жиззах шаҳрининг “Уратепалик”, “Санзор”, “Амир Темур” ҳамда Шароф Рашидов туманининг “Қангли”, “Яккаайрағоч”, “Хавастлик”, Фориш туманининг “Қўлба” маҳаллаларида “Трастбанк” ходимлари алоҳида иш олиб боришмоқда.

– Бизга бириктирилган маҳаллаларда 12 мингга яқин аҳоли 5648 та хонадонда истиқомат қилади, – дейди “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Жиззах филиали бошқарувчиси Шухрат Сапаров. – Маҳаллалардаги ҳар бир хонадонга уйма-уй кириб, биринчи навбатда боқимандаликдан халос бўлиш, кам таъминланган оилаларни тadbirkорликка ўргатиш, жамиятимизда кам таъминланган оила деган тушунчани чиқариб ташлаш асосий мақсадимизга айланган. Айни пайтда йил бошидан буён бизга бириктирилган ҳудудларда аҳолининг шароит ва имкониятларидан келиб чиқиб тикувчилик, асаларичилик, паррандачилик, чорвачилик, иссиқхона, қуёнчилик, балиқчилик, хизмат кўрсатиш йўналишларида 6 ой имтиёзли давр билан 36 ой муддатга энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача кредитлар ажратилмоқда. Мазкур йўналишларда ўтган йили 110 та хонадонга 940 миллион маблағ йўналтирилган бўлса, жорий йил охирига қадар бу кўрсаткич 5 млрд сўмга етказилиши кўзда тутилган.



– Тикувчилик йўналиши бўйича 10 млн. 567 минг сўм кредит олгандим, – дейди Шароф Рашидов тумани “Яккаайрағоч” маҳалласида истиқомат қилувчи чевар Моҳира Маҳкамova. – Ишмни йўлга қўйиб, мустақил оёққа туриб олишимда бу маблағ анча ёрдам бўлди. Қолаверса, кредитнинг 6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача берилиши жудаюм қулай экан. Асли касбим дизайнер. Жиззах саноат касб-ҳунар коллежини шу йўналишда битирганман. Дастлаб қўни-қўшнилар, қариндош уруғ, дугоналарим учун буюртмалар ола бошлаганимда коллеж ўқувчиси эдим. Ҳозирги кунда келинлар сарполаридан тортиб замонавий дарпардаларгача буюртмалар оляпман.

– Биз ҳам “Трастбанк” мижозлариданмиз, – дейди Жиззах шаҳрининг “Амир Темур” маҳалласида истиқомат қилувчи Шерали Саитқулов. – Отмдан қолган ердан қандай унумли фойда-

лансам экан, деган ҳаёлда юргандим. Акам билан маслаҳатлашиб 12 сотих келадиган майдонни иссиқхонага айлантиришга қарор қилдик. Бор маблағимизни шу иссиқхонага тикиб, иш бошлаётганимизда “Трастбанк” ходимлари маҳалла оқсоқоли ҳамроҳлигида уйимизга келиб қолишди. Натижада, уларнинг маслаҳати билан акам иккаламиз, жами 50 миллион сўм кредит олдик. Иссиқхонага помидорнинг эртапишар, ҳосилдор навини эдик. Ҳозир кўчатлар тўлиқ ҳосилга кирган. Оилавий ҳамжиҳатликдаги меҳнатимиз бўй кўрсатди. Ҳар туп кўчатдан ўрта ҳисобдан 5 кг дан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Бу мўймигина даромад бериши шубҳасиз. Биргина помидор билан чекланиб қолмасдан, редиска, бўлғор қалампири ва кўкатлар уругини ҳам селгандик. Янги йил байрами арафасида шу кўкатларни бозорларимизга улгуржи нархда сотиб, 7 миллион сўм соф даромад олдик.

– Икки йилдан бери парранда-

чилик билан шугулланаётгандим, – дейди Жиззах шаҳар “Уратепалик” маҳалласида истиқомат қилувчи Комилжон Мелиев. – Молхонага мўлжаллаб қурилган биномиз бор эди. Шу бинони товўқхонага мослаштириб, Самарқанд паррандачилик фабрикасидан 1 кунлик жўжаларни олиб келиб парваришлай бошладик. Дастлаб шароитнинг яхши эмаслиги, озуқа базасининг етарли эмаслиги анчагина қийинчилик туғдирди. Аммо астойдил ҳаракат қилса, инсон кўзлаган мақсадига эришар экан. Фаолиятни янада кенгайтириб, шахримиз аҳолисини тансиқ таом, парҳезбон парранда гўшти билан таъминлашда “Трастбанк” моддий томондан қўллаб-қувватлади. “Хар бир оила – тadbirkор” дастури бўйича 27 миллион кредит олдик ва бу бизга жуда асқотди.

Бектош ИСМОИЛОВ,
“Оила ва жамият” мухбири



QONUNLAR – ISHONCHLI HIMOYA

Жиноят олами билан боғлиқ воқеаларни қонун таъқиб қилади. Улар назорат остига олинади, тегишли тартибда иш кўзгатилади. Шуниси қизиқки, тергов, суд жараёнларида аксарият ҳолларда:

- Беҳабар қолибмиз...
- Эшитмабмиз...
- Билмабмиз...

тарзидаги баҳоналар рўқач қилинади. Шу маънода қонунчилик борасидаги ҳар бир янгилик имкон даражасида тушунтирилиб, изоҳлаб бориладики, бундай тартиботлар юқоридаги баҳоналарга монелик қилади, айни дамда фуқароларнинг ўзларини ўзлари амалдаги қонунлар билан ҳимоя қилиниши учун йўл очади. Ана шундай кучли ҳимоя сифатида баҳоланишига лойиқ қонунлардан бири, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 январдаги «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳиятига қисман бўлса-да, эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Биламизки, оммавий қирғин oilavajamiyat@mail.ru

қуролларини қўллаш оқибатида дунёдаги баъзи давлатларда вайронгарчиликлар юз бермоқда, одамларнинг тинчлик-хотиржамлиги йўқолган, кўнглида яшашга, яратишга иштиёқ сўнган. Албатта, биз бунёдкор, тинч-осойишта юрда яшаймиз. Лекин ҳозирги ҳар қандай ёмонлик ҳам юкүмли бўлган даврда инсонлар ўзини қонунлар билан ҳимоя қилиб олсагина беҳавотирликка эришади.

Қонунда белгиланган буюмлар, моддаларга лицензия олиш жиноят қуроли бўлган ҳар қандай ашёлардан тўғри мақсадларда, қонуний фойдаланиш имконини беради.

Дейлик, ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қуроллар ва уларнинг ўқдорилари учун, шунингдек, совуқ қуролларни (миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш учун лицензия олиш кераклиги қонунда белгиланган.

Психотроп моддалар таркибида гиёҳвандлик моддалари бор ўсимликларни етиштириш ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Қонундаги шу ва бошқа қатор ўзгартириш ва қўшимчалар айнан нотўғри қўллansa, зарар келтириши мумкин бўлган воситалардан, жамиятга манфаат келтирувчи усуллар, воситалар қўлланилиши

учун йўл очилади. Фонограммаларни тайёрлаш, лотореялар ташкил қилиш, диний таълим муассасаларининг фаолиятини ташкил қилиш концерт томоша фаолиятини ташкил қилиш каби йўналишларда лицензия олиш кераклиги ҳам фуқароларимиз орасида қузатилган турли жиноятларга тўсиқ қўяди.

...Шулардан «хужра» деб аталувчи пинхона гўшаларда ўсмир болаларни ўқитиб, уларнинг онгига мутаассиблик, жаҳолат ҳиссийатларини сингдираётган баъзи қўштирноқ ичидаги диндорларга ҳам эслатиш жоизки, бундай фаолият билим, онгли билим экани исботланмаса, лицензияга эга бўла олмайди. Натижада, яна бир маънавий жиноятга тўғон босилади.

Лицензиясиз ноширлик фаолияти билан шугулланиш маънавий оламдаги энг кўп иллатларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Айнан одамларни, жумладан, ёшларни ахлоқий таназзулга бошлайдиган фаҳш ишларни тарғибот қилувчи босма тарқатмалар, жаҳолатни тарғиб этувчи, миллий, диний низолаарга сабаб бўлувчи китоблар ҳам аксарият ҳолларда лицензиясиз, ноконуний равишда фаолият юритаётган кимсалар томонидан амалга оширилади. Уларда касб маҳоратининг

етишмаслиги, фуқаролик позициясининг, эътиқодининг сустилиги сабаб тарқатмалар баъзиларда, айниқса, ҳали онги шаклланиб улгурмаган ўсмирлар, ёшларнинг тўғри йўللardan адашишига сабаб бўлади.

Ўрни келганда, шуни ҳам айтиш жоизки, юқорида қайд этилган қонунга биноан, яъни зикр этилган (биз айримларини санадик, аслида улар бир нечта йўналишдаги фаолиятдир) фаолият турлари улар лицензия олишмаса ва улар кўп даромад олиш мақсадида ёки хавфли рецидивист томонидан ёки бир гуруҳ шахслар томонидан тил бириктириб амалга оширилса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда фаолият билан лицензиясиз шугулланиш оқибатларини бартараф этган ва моддий зарарни қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Қудратилло АМАТОХУНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Шайхонтоҳур тумани суди раиси

RAMAZON – SABR, YAXSHILIK VA MURUVVAT OYI

Рўза – муқаддас динимизнинг асосий улуғ руқнларидан бири бўлган ибодатдир. Бу ойда очлик, ташналик, нафсни тийиш билан Аллоҳ таолога қурбат, тақво ҳосил қилинади. Соддароқ қилиб айтганда, бу муборак ойни Аллоҳ таолонинг бандалари учун ҳар икки дунё саодатини кўзлаб, бу ибодатни исломнинг улуғ фарзлари қаторига қўшган. Чунки бу ой ўзининг яхшиликларга бойлиги, қалбларда меҳр-мурувват туйғуларининг жўш уриши билан ҳам аҳамиятли ва эъзозлидир.



Мана шундай улуғ кунлар олдида Наманган шаҳрининг бош имом-хатиби Мусоҳон АББАСИТДИНОВ билан суҳбатлашдик.

– Мусоҳон ака, суҳбатимиз аввалида ойларнинг султони бўлган Рамазон ойининг афзалликлари ва хислатлари хусусида гапириб берсангиз.

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Рўза нафақат Муҳаммад (с.а.в.) нинг умматларига, балки аввалги пайгамбарларнинг ҳам умматларига ҳам буюрилган амалдир. Бу ойда пок-ланган руҳиятимиз бошқа ойлар учун мадор йиғади. Эзгуликка унганган одатларимиз йил давомида сақланиб, анъана тусини олади.

Ҳадиси шарифларнинг бирида: “У ойда ким Аллоҳга яқинлаштирадиган эзгулик қилса, ундан бошқа ойда этган бир фарз даражасини топади. Ва бу ойда бир фарзни адо этган киши бошқа ойда 70 фарз адо этган каби бўлади”, дея марҳамат қилинади.

Рамазон рўзаси Ҳазрати Пайгамбаримиз (с.а.в.) Мадинага хижрат қилганларидан сўнг, хижратнинг иккинчи йили шайбон ойда фарз қилинган. Рамазон ойи рўзасини тутиш Қуръони карим, Суннати набавий ва Ижмои уммат билан собит бўлган.

Аллоҳ Таоло “Бақара” сурасининг 183-оятда марҳамат қилади: “*Эй йимон келтирганлар! Сизлардан*

аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсангиз”. Ушбу ояти карима билан динимизнинг бешта асосий устунларидан бўлган рамазон рўзаси фарз бўлди.

Рамазон рўзаси фарз бўлишидан аввал ҳам пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ўз ихтиёрлари билан ҳар ойда уч кун рўза тутар, муҳаррам ойининг унчинчи кунининг рўзасини ҳам адо этар эдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) ўзларининг муборак ҳадисларида рўза ибодатининг фарз эканлигини кўп такрорлаганлар: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайгамбар (с.а.в.) дедилар: “Сизларга муборак рамазон ойи келди. Аллоҳ аза ва жалла унинг рўзасини тутмоқликни фарз қилди. Унда осмонларнинг эшиклари очилади. Унда жаҳаннамнинг эшиклари ёпилади. Унда шайтонлар кишанбанд қилинади. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг ойдан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан махрум бўлса, батаҳқиқ (жуда кўп нарсадан) махрум қилибди”, дедилар.

– Ҳаётимиз давомида ҳар хил синовларга дучор бўламиз. Гоҳида бесабрликдан азият чекамиз. Арзимас етишмовчилик тоғдек муаммога айланади гўё...

– Нихоятда тўғри гапларни айтдингиз. Рамазон рўзаси кишини сабр билан тарбиялайди. Дастлаб рўза тутган инсон жисмида, руҳиятида нафсга қарши

кураш бошланади. Тоқат билан енгилган хоҳиш эвазига рўзадорнинг нафақат зиммасидаги фарзи адо этилади, балки иродаси мустаҳкамланиб, ўз руҳиятига ҳокимлик галабасига эришади.

Бу ойни ҳурмат қилиб рўзасини мукаммал тутган мўминлар кўп ютуқларга эга бўладилар. Такрор айтиш мумкинки, Рамазони шариф ойларнинг султони-дир, чунки бу ойда Қуръони карим нозил бўлган, унда бир кеча бўлиб, бу кечадаги ибодатлар, яхши савобли ишлар минг ойдан афзал дейилган. Бу ой Қуръон ойи, тақво ва табво ойи, раҳмат ва шафқат ойи, барака ва савоб ойи, дўзахдан овоз бўладиган, гуноҳлар ювиладиган ойидир.

Қолаверса, замонавий тиббиёт сўнгги йилларда очлик билан давола-ниш усулини кенг йўлга қўйди. Шунга асосан рўза тутиш орқали кўплаб касалликлар даво тоғани исботланди. Қолаверса, рўза айрим дардлар юзага келишига тўсқинлик қилиши таъкидла-нади. Энг муҳим жиҳати, киши онг-нинг сокинликка эришганидир. Турли ғарзлар, кин ва ҳасадлардан поклан-ган руҳият барча касалликлардан ҳоли турмуш тарзига йўл очиши, шубҳасиз.

– Рамазон ойининг муборак таш-рифи инсонлар ўртасида ўзаро мурувват ва оқибат туйғуларини уйғотади. Шундай эмасми?

– Албатта, ҳурмат ва эътибордан қариндошлар ўртасида ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади. Кексаю бемор қариндошлар ҳолидан хабар олиниб, узоқ-яқинда яшовчи қондошлар иф-торлик дастурхони атрофига чорла-нади. Гина-қудуратли инсонлар бир-бирларига кучок очиб ўзр сўрашади. Бу ойнинг шуқуҳи кириб борган ҳар бир хонадон ана шундай аҳиллик билан, яқинларига яхшилик қилиб фазилатли кунларни ўтказиши.

Рўза тутган киши ўз рўза ибодати туфайли фаришталар сифати билан сифатланади. Маълумки, емаслик, ич-маслик, шаҳвоний хирсининг йўқлиги, до-имо тоат-ибодатда, итоатда бўлишлик фаришталар сифатидир. Рўза тутган инсон эрта тонг саҳардан қуёш бот-гунча шу фаришталар сифатлари билан сифатланиб туради. Рўза тутган кишининг иродаси мустаҳкам бўлади, раҳм-шафқат сифатлари кучаяди, сабр-бардошга ўрганади, қалби мусаффо бўлади.

Рўзанинг фойдаларидан бири, шайтони лаяинга қарҳ кўрсатишидир. Лаянати шайтон инсон боласини ях-шиликдан қайтариб, ёмонликка бошлаб туради. Инсон боласи яхшиликка юрса, Аллоҳ таолонинг амрини бажо келтир-са, шайтони лаяин хафа бўлади. Рўза ибодатини қилган инсон ёмонликлар-

дан қайтиши ва Аллоҳ таолога тақво қилиши билан шайтонга қарҳ кўрсатади.

– Жуда хунук ҳол бўлса-да, айтиш ўринлики, кўп ҳолларда айримлар бу муборак ой давомида ҳам ёлгон гапиришдан ўзларини тийлмайди-лар. Бунга қандай изоҳ берган бўлар эдингиз?

– Ростгўйлик – эзгуликлар дебеча-си. Бу борада Набий (с.а.в.) “Рост сўз ўз соҳибини яхшилик сари етаклайди. Яхшилик эса уни беҳиштга етаклайди”, дея марҳамат қилган эканлар. Эзгу-ликлар ойи бўлмиш муборак рамазон ойида рост сўзлаш кишини хайрли амаллар сари етаклайди. Бундан ташқари, рўзанинг мукаммал бўлиши учун рўзадор ёлгон сўзлаш, игво ва бўҳтон қилиш, нолойқ сўзлар билан инсонлар дилини огритиш каби иллат-лардан ўзини сақлаши муҳим саналади.

Бу муборак ойни тинчлик ойи ҳам дейишади. Ислон тарихидан маъ-лумки, Рамазон ойида жангу жадал-лар тўхтатилган, давлатлар тинчлик сулҳини тузганлар. Яна бир муҳим жиҳати, инсон қалбидаги сокинлик-дир. Пайгамбаримиз (с.а.в.) бежиз “Рўза қалқондир”, демаганлар. Зеро, қалқон камон ўқининг офатидан жанг-чини тўсиб қолганидек, рўза хатолар-нинг юзага келиши ордидан келувчи беҳаловатликдан қутқаради. Натижада тинчлик ойда руҳият ҳам, қалблар ҳам хотиржамликка чўмади.

– Қутлуг кунлар арафасида юрт-дошларимизга тилакларингиз.

– Алхамдүлillah, муборак ой остана-сидамиз. Қалбимиз шукроналикка тўла. Яна бир Рамазон ойида яшаб, унинг фазилатларини ҳис қилиш имконига эгамиз. Кўнглимиз хотиржам, осийишта тонглари қарши олаяпмиз. Дунё киши-ларининг сезиларли қисмини ўйга солган “Қерда тунасам экан?”, “Нима ейман?”, “Очликдан болаларимнинг ҳоли не кечар экан?”, “Қаерга беркинб жон сақласам экан”, деган оғрикли саволлар бизга бегона. Ер юзида тун нима, тонг нима сезмай, фақат қорин туйдириш ёки жон сақлаш умидида яшаётган инсонлар қанча?! Буни тафаккур қилиб, Яратганга шукрлар келтиришимиз зарур.

Аллоҳ таоло барчаларимизни бу муборак, қутлуг ойда оғизлик билан тутган рўзаларимизни қабул айласин. Бу ойни ганимат билиб, қомил инсон фазилати билан моҳи Рамазонни ша-рифни охирига етказмоқликни насиб этсин. Юртимиз тинч, осмонимиз му-саффо, ризкимиз бўлиб бўлиб, келаси йилги Рамазонга барчамизни саломат етиб боришимизни насиб айласин!

Санжарбек ҲАМИДОВ
суҳбатлашди

uza.uz

Рўза тарбия воситаси эканини, унинг замирида киши ўзи ўрганган одатларга — ғазаб, шаҳват, динда қайтарилган, гуноҳга бошлагувчи хусусиятларга қарши қувват ва ҳукмронликни кўлга киритиш мақсадига эришишини яхши биламиз. Рўзадор фақат еб-ичишдан тийилиш билан эмас, тили-ни, қалбини, кўзини, қўлини, бутун ҳис-туйғулари, ўй-хаёлларини ибодатга сафар-бар қилмас ва хусусан гуноҳдан ман этмас экан, рўзаси кемтик қолади. Кўринишидан ибодатга ўхшаса-да, маънавий маъноси қиймега етмайди.

Севимли пайгамбаримиз Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисий қудсий (Аллоҳдан ваҳий (буюрилган)қилинган, пайгамбар алайҳиссалом ривоят қилган)да шундай дейилган: “Одам боласининг ҳар амали ва ибодати ўзи учундир, фақат рўза бундан мустасно; чунки у мен учун, рўзанинг мукофотини ҳам Ўзим бераман.”

RO‘ZA XULQI

Шу ва шунга ўхшаш ҳадислар билан рўзанинг маъноси ифодаланганда, қомил рўзанинг фақат емоқ-ичмок ва жинсий яқинликни тарк этишдан иборат эмаслиги, рўзадор ҳар лаҳза Аллоҳга яқинлашиб бориши, ҳар замон гуноҳ ва хато ишлардан тийилиши, рўзадорликда буларга яна-да кўп, яна-да қатъий, риоя қилгандагина рўза инсонни фаришта макомига кўтарилиши учун хизмат қилиши аниқлаштилади. Ғўзал ахлоқ, инсонни инсон қилган олийҳимматлик хусу-сиятлари рўза шарофати билан қувватланиши, бу фазилатлар кишида онгли равишда намоён бўлиши “рўза хулқи” дейилади. Шу жиҳатдан қаралганда, рўза айни пайтда яхши хулқ тарбияси воситаси бўла олади.

Бошқа бир ҳадисда: “Қанча рўзадорлар борки, уларнинг рўзаси фақат очлик ва ташналиқдир. Қанча тунда намоз ўқийдиган борки, намозидан қолгани уйқусизликдир”, дея марҳамат қилинади. Барча ибодатлар каби рўзанинг ҳам бандага фойдалари,

моддий ва маънавий жиҳатдан ғўзал натижалари бор. Эгасини бу фойдаларга муяссар қилмаган рўза очлик, ташналик ва махрумлиқдан иборат бўлиб қолади. Бу сўзларимиз билан, рўзанинг маъно ва ҳикмати ўзида ақл эттиролмаган ин-сонлар рўза тутмасин, демоқчи эмасми! Зотан, овга чиққанларнинг ҳаммаси ҳам ов қилолмаслиги мумкин, лекин овни тарк этиб уйда ўтирган одам ов қилиши ақлга сиймайди. Натижада қандай бўлса бўлсин, албатта Аллоҳ фарз қилган рўзани тутиш, фақат бу ғўзал ибодатни бажарганда мукаммал шартларини адо этиш, рўзанинг моддий ва маъ-навий баракотларини кўлга киритишга астойдил тиришиш, қолаверса, рўза ахлоқи билан хулқланиш учун ҳаракат қилиш керак.

Рўзани қомил тутиш, ибодатларда мукаммал ажрга сазовор бўлиш, Рамазондан гуноҳлари мағфират қилиниб, онадан тугилгандек покза чиқиш ҳар бир мўмин ва мўминага насиб этсин!

Рамазони шариф муборак бўлсин, азиз диндо-шим!

Умида АДИЗОВА

oilavajamiyat@mail.ru

O'Z ONAMNI KESHIRA OLMAYAPMAN

Муҳаббат Тожибоева пойтахтимизнинг Яшнобод туманида яшайди. 58 ёшда. Тўрт нафар фарзанди бор. У тахририятга келиб, ўзини қийнаётган, қалбини кемираётган муаммо ҳақида сўзлаб берди. Унинг мақсади – ўз онасининг виждонини уйғотиш.

ДАДАМ ЁМОН ОДАММИДИ?

– Онам 7 болани ташлаб, бегона эркак билан кетиб қолганида мен 10 ёшда, кичик укам ёшига ҳам етмаган гўдак эди, – дея ҳикоясини бошлади аёл. – Нима учун она шунча фарзандини отага ташлаб кетди, деган савол ҳаммани бирдек қийнарди. Газета-журналларда оиламиз ҳақида мақолалар чоп этилди. Биз жудаём “машхур” бўлиб кетдик. Айниқса, синфдошларим ўз исим билан эмас, “етим”, “камбағал” деган лақаб билан қақира бошлашди. Бувим бизни оқ ювиб, оқ тараб катта қилди. Дадамдан нафратланганим учун яхшиликлари кўзимга кўринмасди. Дадам ёмон одам бўлгани учун онам бизларни ташлаб кетди, деган ўй тинчлик бермасди менга. Орадан икки йил ўтгач, бувим ҳам бизларни тарк эди. Рўзгор ташвиши, болалар тарбияси отамнинг зиммасида қолди. Қариндош-уруғларнинг шунча қистовига қарамай дадам бошқа уйланди. Бизларга ҳам ота, ҳам оналик қилди. Меҳрибонлик уйига топириб юбормади.

БУ ҲАМ НАСЛИГА ТОРТАДИ-ДА!

Турмушга чиққанымдан сўнг биринчи келишмовчиликдан кейин эшитган гапим “енгилтак аёлнинг қизисан”, деган ҳақорат бўлди. Уйда ҳеч ким менга келин, инсон деб эмас, кераксиз буюмга қарагандек муомалада бўларди. Қайнонам: “Бир кун бу ҳам онасига тортади-да”, деган таъна-ю дашномлар отишдан чарчамасди. Кунни бир амаллаб ўтказар, тун бўлди дегунча йиғлашга тушардим. Хўрланишлар жонимдан ўтган пайтлари онамдан ўч олгим, бутун дунёга: “Менинг онам ёмон аёл”, деб жар солгим келарди. Унинг хатоси туфайли меҳнатларим, қилган эзгу ишларим ҳеч кимнинг кўзига кўринмасди. Шармандали тирик етимликдан кўра онам ўлса бўлмасмиди, деган ўйлар кечарди хаёлимдан. Шунча қийинчиликларга қарамай ажрашишни хаёлимга келтирмадим. Чунки эркак ёмон бўлса ҳам аёл чидаши, сабр қилиши керак деб ўйлардим. Онамда мана шу куч бўлмагани учун ҳам рўзгорнинг қийинчиликларига чидамай қочиб кетган, дердим.

40 ЙИЛДАН СЎНГ “МЕҲРИБОНИМ”НИ ТОПДИМ

Бир куни дадам мени ёнларига қақриб, астойдил насиҳат қилди. Нима бўлса ҳам сени дунёга келтирган онанг, уни топ, дуосини ол, ундан нозиро бўлма, деди. Дадамнинг васияти

Онам 7 болани ташлаб, бегона эркак билан кетиб қолганида мен 10 ёшда, кичик укам ёшига ҳам етмаган гўдак эди, – дея ҳикоясини бошладим аёл. – Нима учун она шунча фарзандини отага ташлаб кетди, деган савол ҳаммани бирдек қийнарди.

туфайли орадан 40 йил ўтгач, онамни топдим.

Онам Ҳанифа Салимова (исм-шариф ўзгартirilган) Самарқандда яшар, аҳволи жуда оғир, бир нечта юқумли касалликларга чалиниб, жуда қийналибди. Кейинги турмушидан бўлган фарзандлари ундан хабар олмас, эски, ташландиқ уйда яшар экан. Бутун нафратимни кўнглимдан чиқариб, уни пойтахтга – ўз уйимга олиб келдим. Катта ўғлим билан орамизга совуқчилик тушиб қолди. “Агар шу аёлни онам деб қабул қилсангиз, сизни онам демайман”, деб шарт қўйди. Бир неча кун мен билан гаплашмай юрди. Онамни олиб келгач, оқ-ювиб оқ, тардим. Бозорга тушиб, чиройли кийимлар сотиб олдим. Келинларимга ҳам беш кунлиги борми, йўқми дуосини олиб қолинглар, деб тайинладим. Бирин-кетин қариндош-уруғлар, таниш билишлар йўқлаб кела бошлашди. Онам билан топишганимдан ҳамма хурсанд эди. Кичкина укам мени она деб қақиради. Чунки уни ўзим катта қилганман. Бир куни у онамдан: “Нима учун шунча болани ташлаб кет-

дингиз, арзирли сабаб бормиди”, – деб сўрабди. У киши бирорта ҳам сабаб кўрсата олмабди.

УНИ УЙИМДАН ҲАЙДАДИМ

Қўйлиқ дехқон бозоридида ширинлик сотиш билан шуғулланаман. Ўзимга яраша мижозларим бор. Савдодан тушган пулларни уйга олиб бориб санаб, онамни қўлига тутқазаман. Ўғилларимга ҳам маошларингни бувингга беринглар, барака қилиб беради, деб ўқтирганман. Онам уйимда яшашни бошлаганидан сўнг баъзида сумкамдан 50-60 минг сўм пул йўқола бошлади. Аввалига иш-

уйлантирадиган бўлиб қолдим пулларимни ҳисоб-китоб қилишга тушдим. Онам қўлимга арзимаган пул тутқазди. Бошимдан муздек сув қуйилгандек бўлди. Кўз олдим қоронгулашиб, нима қилишимни билмай қолдим. Аламимдан унга бақриб, уйимдан кет деб қувиб солдим.

Хаёлимда бирин-кетин болалик хотиралари тиклана бошлади. Ёшлигимда кўни-қўшниларникида тўй бўлса, онам ўша хонадондан ўғирлаган нарсаларни қўйнимизга бекитиб, уйга олиб кириб қўй деб ўргатарди. Ёш бола бўлганимиз, бу иш гуноҳ эканини, ўғирлик саналишини тушунамай, буйруқни бажараверганмиз. Бу аёлнинг қўли эгрилиги анча олдин бошланган экан. Шундай қилиб у уйимдан кетди. Эшитишимча, ҳозир Жиззахда яшайпти. Ёши ҳам 80 га бориб қолди. Қилган хатоларидан афсусланиш, болаларидан кечирим сўраш деган ҳис-туйғулар унга бегона. Уни уйимга олиб келишдан олдин боши тошга тегиб ҳаёт синовлари олдида пишгандир, балки невараларим тарбияси билан шуғулланар деган ниятда эдим. Афсуски, ўзгаришни ис-тамайдиган, ўз хатоларидан сабоқ чиқармайдиган одамлар тоифаси бўлар экан. Буларнинг биттаси менинг онам.

Менинг ҳам қизим бор, оилали, фарзандли. Баъзида рўзгоримдан орттириб невараларимдан бир килограмм новвот билан иккита иссиқ нон бериб юбораман. Бир пиёлагина ширин чой билан шу нонни еб олса, қизим тетиккина юрди, деб ич-ичимдан қилган ишимдан хурсанд бўламан. Аммо онам кечалари уйқудан қолиб, харидорларнинг йўлига термулиб, қийналиб толган пулларимни ўғай сингилларимга бериб юборди. Шу қилган иши эвазига улардан меҳр, эътибор кўрганида ҳам мингдан-миг рози бўлардим. Ҳаёт қонуни шунақа экан. Кимни эъзозласанг ундан жабр кўрасану, жабрлаганларни бошингга кўтараверасан. У қилган хатонинг азобини ҳозиргача тортаяпман. Жаннат оналар оёғи остидадир деган ҳикматли сўзга ҳаммаша ишониб яшаганман. Жаннат ҳамма оналарнинг ҳам оёғи остида эмас экан. Мен онамдан рози эмасман, уни ҳеч қачон кечира олмаيمان.

Муҳаббат Тожибоева ҳикоясини шу ерда якунлади. У онасини кечирадимми, йўқми бугеги вақт кўрсатади. Ушбу воқеани чоп этишдан олдин обдон ўйладик. Ҳанифа Салимова билан боғланиб, унинг сўзларини ҳам эшитиш зарурдир, деган фикрга ҳам келдик. Бироқ воқеани борица мухлислар эътиборига ҳавола қилиш маъқулроқ кўринди. Сиздан эса азиз мухлис, фикрингизни сўраб қоламиз.

Нигора тайёрлади

Турмушга чиққанымдан сўнг биринчи келишмовчиликдан кейин эшитган гапим “енгилтак аёлнинг қизисан”, деган ҳақорат бўлди. Уйда ҳеч ким менга келин, инсон деб эмас, кераксиз буюмга қарагандек муомалада бўларди. Қайнонам: “Бир кун бу ҳам онасига тортади-да”, деган таъна-ю дашномлар отишдан чарчамасди.

латган бўлсам ёдимдан чиққандир-да, деб унчалик эътибор бермай юрдим. Бир куни катта келиним: “Ойи, бувижон пулларингизни қизига бериб юборяпти”, деб қолди. Онамга тўхмат қиялсиз, деб келинимдан хафа бўлиб уришдим. Мен унинг гапларига ишонмадим. Ўша пайтларда ўғай синглим уйимизга серкатнов бўлиб қолганди. Мен уйда йўқлигимда келиб кетар экан. Келиним онам иккимизнинг ўртамызга совуқчилик солмоқчи, деган шубҳага бордим-у, бу гапларни унутдим. Кенжатоимни

SOAT NEGA SNAP QO'LG'A TAQILADI?



Қўлга тақиладиган соатни 1868 йилда Патек Филипп иختиро қилган. Дастлаб у қимматбаҳо тошлар билан безатилган аёллар билагузуги кўринишида бўлган.

1904 йилда бразилиялик ҳарбий учувчи Альберто Сантос Дюмонт соатсоз дўсти Луис Картердан жанг майдонида тақиб юрса бўладиган қўлсоат ясаб беришни илтимос қилади. Дўстининг илтимосига кўра

Картер ҳар тарафлама қулай бўлган қўлсоат яратди. У соатни фақат эркаклар тақишар эди. Картер уни “Сантос қўлсоати” деб номлайди. Ушбу қўлсоат 1911йилдан сотувга чиқа бошлаган.

Кейинчалик Франция, Швеция каби давлатларда қўл соати тақиш урфга кирди. Бундай соатлар чўнтак соатига қараганда анчагина қулай эди. Ўша пайтда Картер қўлсоатини чап қўлга мослаб ясаган. Чунки, урушда аскарларнинг ўнг қўлида қурол бўлган. Бошқа иш бажараётган пайтда ҳам

Bilasizmi?

Васила тайёрлади

ЭЪЛОН

Миробод тумани оқ билал, 4-проезд 39 хонадонда яшовчи Камолиддин Умаровга тегишли уй кадрастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.



PAPILLOVIRUSIGA QARSHI EMLASH SARATONNING OLDINI OLADIMI?

дан ҳам рухий, ҳам моддий томондан устун туради.

Касаллик қанчалик эрта босқичда аниқланса, даволаш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Статистик маълумотларга кўра махсус даводан кейинги 5 йиллик ҳаёт кўрсаткичи 1-босқичда 85-90 фоиз, 2-босқичда 70-75 фоизни ташкил қилади. 3-босқичда кескин камаяди ва 30-35 фоизга тенг бўлади, 4-босқичда эса 5-7 фоиз беморлар 5 йилгача яшайди. Касаллиқни даволаш унинг босқичига боғлиқ ва махсус онкологик шифохоналарда амалга оширилади.

– Ривожланган тиббиёт бу касаллиқнинг олдини олиш ёки даволашнинг уддасидан чиқяптими?

– Ҳозирги кунда тиббиётда бу касаллиқни даволашда ҳам бир қанча усуллар мавжуд бўлиб, улардан қайси бирини қўллашни шифокор касаллик даражасига қараб белгилайди. Даволашнинг асосий турлари жарроҳлик амалиёти, кимётерапия ва нур терапияси ҳисобланади, босқима-босқич бу усуллар комбинацияси ҳам қўлланилади.

– Ушбу касаллик аниқланган аёлда ҳомиладорлик кузатиlsa қандай йўл тутилади?

– Ҳомиладорлик вақтида ушбу касаллиқни аниқланиши жуда ачинарли ҳол, бу дегани ёки аёлларимиз ўз вақтида, яъни ҳомиладорлиқнинг биринчи триместрида шифокорга мурожаат қилмаганлар, ёки оилавий поликлиника шифокорлари бачадон бўйини кўзгуда кўрмаганлар.

Агар касаллик ҳомиладорлик вақтида аниқланса, онкогинеколог ҳамда акушер гинеколог билан маслаҳатлашиб, ҳомила муддатини ҳисобга олган ҳолда даволаш усуллари индивидуал асосда олиб борилади.

– Маълумотларга қараганда 2019 йилдан бошлаб Инсон папилломавирусига қарши эмлаш бошланган экан. Фақат аёллар эмланадими? Бу саратон касаллигининг олдини олишига ишонса бўладими?

ТАВСИЯЛАР

* **Ўз вақтида овқат ейиш, мева-сабзавотлар, кўкатлар, витамин С.Е.А ва минералларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш лозим.**

* **Спорт билан мунтазам шугулланиш, ҳаракатчанлик яхши фойда беради.**

* **Ҳайзнинг бузилганида, жинсий алоқадан кейин қонли ажралма келганида, сувли, ҳидли ажралмалар келганда шифокорга мурожаат қилиш.**

* **Тамаки чекмаслик, спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик лозим.**

* **20-25 ёш оралиғида турмуш қуриш тавсия қилинади.**

* **Никоҳланишдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш шарт.**

* **Семизлик ва ортиқча вазн йиғишдан сақланиш керак.**

* **30-49 ёшда бир йилда бир ёки икки маротаба шифокор кўригидан ўтишни одат қилиш керак.**

– Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан бачадон саратони касаллигининг профилактикаси ва касаллиқни назорат қилиш бўйича халқаро даражадаги дастур ишлаб чиқилган ва бу дастурни турли мамлакатларда татбиқ этиш мақсад қилинган. Бунга асосан 9-14 ёшдаги қизлар эмланиши керак. Мана шу дастурни амалда жорий этиш учун танлаб олинган олти давлат қаторида мамлакатимиз ҳам бор. Шу дастур асосида 2019 йил октябрь ойидан бошлаб 9 ёшдаги қизларни эмлаш назарда тутилган. Эмланиш дастури Соғлиқни сақлаш вазирлиги эпидемиология бўлими назоратида амалга оширилади. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, вакциналар мавжуд бўлган инфекцияни даволамайди, балки унинг олдини олади, шунинг учун вакцинацияни жинсий ҳаёт бошланишидан олдин қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аёлларимизга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман, саратон бедаво касаллик эмас, ўз вақтида даволаниб, ҳозирда ҳамма қатори ҳаёт кечираётган қанчадан-қанча беморлар бор.

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА
сўхбатлашди

МАЪЛУМОТ:

Ўзбекистонда ҳар

йили 1600 га яқин аёлга бачадон бўйни саратони ташхиси қўйилади. Кўпчилик аёлларда бачадон бўйни ўзгаришлари 30-49 ёш оралиғида юзага келади. Саратоннинг илк белгиларини сезмаган аёллар шифокорга мурожаат қилмайди, натижада касаллик жиддий тус олади. Агар дард бошланиши билан дастлабки кўринишда ташхис қўйилиб, даволанса, уни бартараф этишнинг иложи бор.

Бачадон бўйни саратони аёллар ўртасида дунё бўйича энг кўп тарқалган рак касалликлари ичида тўртинчи ўринда туради. Ҳар йили дунёда 500 000 нафардан кўп аёлда ана шундай хасталик аниқланади. Хўш, ушбу касаллиқни келтириб чиқарувчи омиллар нимада? Саратон касаллигига чалинмаслик, унинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак? Шу каби саволлар билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди Наргиза Захировага мурожаат қилдик.

– Бачадон бўйни саратони хавфли ўсма ҳисобланиб, 95-98 фоиз ҳолларда инсон папилломавируси томонидан қақрилади. Агарда рак олди ҳолатлари ўз вақтида даволанмаса, улар икки тилдаги ўсмага: яссиҳужайра (85 %) ва безли (15%) саратонга айланиши мумкин, бошқа турлари жуда кам учрайди.

– Ушбу касаллик қандай юқади?

– Инсон папилломавируси жинсий алоқа орқали ўтувчи ва кенг тарқалган касалликдир. Лекин, бу вирус аниқланса, саратон касаллиги ривожланади дегани эмас. Бу нотўғри тушунча, чунки бу вирус ўз ҳолича организмдан элиминация қилиниши, яъни уни тарқ этиши ҳам мумкин. Вирус мавжудлиги аниқланган аёллар янада жиддийроқ текширилади.

– Касаллиқнинг хавфли омиллари нимада кўринади?

– Хавфли омиллар дейилганда сиз ўзингиз ўзгартира олмайдиغان (ёшингиз ёки оилавий аҳвол) эмас, балки ўзгаришнингиз ёки олдини олишингиз мумкин (тамаки чекиш, бетартиб жинсий ҳаёт, инсон папилломавируси инфекцияси ва бошқалар) бўлган омиллар назарда тутилади. Лекин хавфни ўз вақтида билиб, унинг олдини олиш зарур. Бунда касаллиқни турли таҳлиллар орқали аниқлаш мумкин.

– Контрацептив воситаларни узоқ муддат истеъмол қилган аёлларга ҳам ушбу касаллик хавф солиши мумкинми?

– Албатта, хавф солиши мумкин. Яъни, ушбу дориларни мунтазам равишда танаффузсиз ичиб юриш ҳар қандай аёл организмга зарар етказиши. Шу боис, ушбу дори во-

ситаларини гинеколог маслаҳати ва тавсияси билан қабул қилиш лозим. Ундан ташқари, бачадон бўйни саратони ривожланишига жинсий аъзолар касалликлари, эрта (16 ёшгача) никоҳ ва ҳомиладорлик, бачадон бўйни эрозиялари, абортлар, вирусли касалликлари, чекиш, туғруқда бачадон бўйни травмалари, иммун тизим фаолиятининг бузилиши каби омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

– Ушбу касаллик бор ё йўқлигини билиш учун қанча муддатда шифокор кўригидан ўтиб туриш лозим? Агар касаллик бошланган бўлса, дастлабки муолажа қандай бўлади? Қайси босқичда бошланган муолажа кўпроқ ижобий натижа беради?

– Аёллар ҳар йили 2 марта гинеколог кўригидан ўтиб туриши керак. Бачадон бўйнида учрайдиган эрозиялар, лейкоплакия, эритроплакия ва саратон олди спазияларини ўз вақтида даволаш, бу касаллиқнинг олдини олувчи иккиламчи профилактика ҳисобланади. Агар аёлда бачадон саратонига шубҳа туғилса, поликлиника шифокори уни онколог маслаҳатига ва чуқурроқ текширувлар ўтказиш учун юборади. Касаллиқнинг олдини олиш, уни даволаш-

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бosh муҳаррир: Вохид ЛУҚМОНОВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 536. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 4586. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш ваёти – 15:00 Топшириди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609

0172010760007

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

123 45